Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • 26 ноябрь 1974 йил, сешанба № 276 (16.056). ◆ Баҳоси 2 тийин.

ЯКУНЛОВЧИ ҲУЖЖАТ ИМЗОЛАНДИ

24 ноябрда Совет—Америка Қўшма ахбороти имзоланди. Уни:

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи номидан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев,

Америка Қўшма Штатлари номидан АҚШ Президенти Ж. Форд имзоладилар.

Қўшма ахборотни имзолашда қуйидагилар ҳозир бўлдилар: Совет томонидан — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, Граждан авиацияси министри Б. П. Бугаев, КПСС Приморье ўлка комитетининг биринчи секретари В. П. Ломакин, СССРнинг АҚШдаги элчиси А. Ф. Добринин, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. М. Александров, ТАСС Бош директори Л. М. Замятин, Приморье ўлка ижроия комитетининг раиси Н. И Штодин, СССР Ташқи ишлар министрлиги коллегиясининг аъзоси Г. М. Корниенко;

Америка томонидан — давлат секретари, Президентнинг миллий хавфсизлик масалалари билан шуғулланувчи ёрдамчиси Г. Киссинжер, АҚШнинг СССР даги элчиси У. Ж. Стессел, Президентнинг ёрдамчиси Д. Рамэфелд, Президент маслаҳатчиси Р. Хартман, давлат департаментининг маслаҳатчиси Х. Сонненфельдт, давлат секретарининг ўринбосари А. Хартман, Президентнинг миллий хавфсизлик масалалари билан шуғулланувчи ёрдамчисининг ўринбосари генерал Б. Скаукрофт, Президентнинг матбуот секретари Р. Нессен, давлат департаментининг масъул ходими У. Хайленд. (ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ IV СЪЕЗДИГА

Азиз ўртоқлар!

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети Сизларни ва Сизлар орқали Ўзбекистоннинг кўпминг кишилик ўқитувчилар армиясини ва барча халқ маорифи ходимларини қизғин ва самимий табриклайдилар.

Республика ўқитувчиларининг IV съезди КПСС XXIV съездининг қарорларига мувофиқ мамлакатимизда умумий ўрта таълимга ўтиш поёнига етказилаётган шонли даврда ўтмоқда. Коммунистик партия ва Совет давлатининг Владимир Ильич Ленин таъбирича, янги коммунистик жамият қуришнинг энг муҳим таркибий қисми бўлмиш халқ маорифини ривожлантириш борасидаги толмас фаолияти туфайли мана шу улуғвор ютуққа эришиш мумкин бўлди.

Совет ҳокимияти йиллари мобайнида ленинча миллий сиёсатни амалга ошириш натижасида Ўзбекистонда халқ маорифи гуркираб равнақ топди. Ҳозир республикада 9,5 мингдан ортиқ умумий таълим мактаблари бор. Бу мактабларда 3 миллион 645 минг ўқувчи ўқимоқда. Уларга 200 мингга яқин ўқитувчи ва халқ маорифининг бошқа ходимлари таълим бермоқдалар ва тарбияламоқдалар.

Биз шуни мамнуният билан қайд этамизки, республиканинг ўқитувчи-кадрлари ўзларининг ҳамма куч, билим ва ғайратларини коммунизм бунёдкорлари ёш авлодига сарфламоқдалар, уларни илм-фан асослари билимлари билан қуроллантирмоқдалар, партияга, халққа, Ватанга, коммунизм қуриш улуғ ишига чексиз садоқат ва муҳаббат руҳида тарбияламоқдалар.

Фан-техника ва социал тараққиёт авж олиб ўсган, иқтисодий ва маданий қурилиш мисли кўрилмаган кўламларга эришган ҳозирги шароитларда ўқитувчиларимиз, халқ маорифининг ҳамма ходимлари хормай-толмай меҳнат қилиб, бутун ўқув-тарбиявий жараён янада такомиллаштирилишини таъминлашга даъват этилгандирлар.

Мактабларнинг ишидаги энг муҳим нарса маънавий, жисмоний ва эстетик баркамол, сиёсий етук ва ёт буржуа идеологиясига муросасиз, илм-фан асосларини пухта эгаллаган, меҳнат қилишни севадиган ва меҳнат кила оладиган кишилар авлодини вояга етказишдан, ватан-парварлар ва интернационалчиларни тарбиялаб етиштиришдан иборатдир.

Ана шу вазифаларни ҳал этишда ўқитувчи кадрларнинг роли катта. Муаллим ўзининг шахсий хулқ-атвори, ҳатти-ҳаракатлари билан коммунистик аҳлоқ, ғоявий матонат, юксак маданият кенг иқтидорлик намунаси бўлиб хизмат қилмоғи лозим. У марксча-ленинча назария соҳасидаги билимларини тинмай ва муттасил тўлдириб бориши, педагогик маҳорати, профессионал малакаларини хормай-толмай такомиллаштириб бориши бугунги кунда ҳар қачондагидан ҳам заруридир.

Республиканинг илмий-педагогик марказлари, университетлари ва педагогика олий ўқув юртлари халқ маорифини яхшилаш борасида кўп ишлар қилишлари мумкин ва қилишлари лозим. Улар янги программалар бўйича ўқитиш жараёнини ташкил этишда, ўқитишнинг актив методлари ва техникавий воситаларини жорий этишда, мактабларда орттирилган илғор тажрибаларни илмий асослаш ва ёйишда мактабларга ёрдамни кучайтиришлари керак. Олий мактаб коллективларида бу иш педагогик кадрлар муносиб авлодини тайёрлаш сифатини яхшилаш билан қўшиб олиб борилмоғи лозим.

Ҳар қачонгидек халқ маорифи тараққиётининг янги босқичида ҳам мактабларимиз, ўқитувчиларимиз партия ташкилотлари, меҳнаткашлар депутатлари советлари, комсомол, касаба союзларинг доимий диққат-эътибори ва ёрдами билан катта ва масъулиятли вазифаларни ҳал этиб борадилар. Мактаблар тўғрисида, ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилиш умумпартиявий, умумдавлат ишидир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети республика ўқитувчиларининг IV съезди самарали ишлашини тилайдилар ва Ўзбекистон муаллимлари, халқ маорифининг ҳамма ходимлари ўз гражданлик бурчлари ва масъулиятларини англаган ҳолда бундан бўён ҳам коммунизм ёш бунёдкорларини ўқитиш ва тарбиялашдек олижаноб соҳада илҳом билан меҳнат қиладилар, партия ва халқнинг юксак ишончини шараф билан оқлайдилар, деб қатъий ишонч билдирадилар.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — **ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ** — **ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ**

Ўзбекистон Компартияси Фарғона область комитетининг секретари ўртоқ Ф. Ш. ШАМСИДДИНОВга
Меҳнаткашлар депутатлари область Совети ижроия комитетининг раиси ўртоқ Ҳ. УМАРОВга

Фарғона областининг колхозчиларини, совхозларининг ишчиларини, механизаторларини, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассисларини, тайёрлаш ва транспорт ташкилотларининг коллективларини, партия, совет, касаба союз ва комсомол ходимларини давлатга пахта сотиш халқ хўжалик плани муваффақиятли бажарилганлиги билан қизғин табриклайман.

Аминманки, область қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари суғориш имкониятларидан самарали фойдаланиб, ерларнинг ҳосилдорлигини ошириб, пахта, дон, сабзавот, озуқа экинлари, деҳқончиликнинг бошқа маҳсулотлари ҳосилдорлигини ва ялпи ҳосилини кўпайтирадилар, чорвачилик маҳсулдорлигини оширадилар ва беш йиллик план топшириқларини ортиғи билан бажарадилар.

Л. БРЕЖНЕВ.

1974 йил, 25 ноябрь.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Саккизинчи чақириқ Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Советининг саккизинчи сессияси 1974 йил 25 декабрь куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилсин:

Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1975 йилга мўлжалланган Давлат плани тўғрисида;

Ўзбекистон ССРнинг 1975 йилга мўлжалланган Давлат бюджети тўғрисида;

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш тўғрисида.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. МАТЧОНОВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ҳ. ПУЛАТОВА.

1974 йил, 25 ноябрь.
Тошкент шаҳри.

Совет—Америка ҳужжатларини имзолаш пайти. «Правда» махсус мухбири **В. Воронин** фотоси («Правда»дан).

СОВЕТ—АМЕРИКА ҚЎШМА АХБОРОТИ

Илгари эълон қилинган келишувга мувофиқ 1974 йилнинг 23-24 ноябрь кунлари Владивосток районида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев билан Америка Қўшма Штатлари Президенти Жеральд Р. Форд ўртасида амалий учрашув бўлиб ўтди. Музокараларда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико ва АҚШ давлат секретари, президентнинг миллий хавфсизлик масалалари билан шуғулланувчи ёрдамчиси Г. Киссинжер қатнашдилар.

Улар Совет—Америка муносабатларига ва ҳозирги халқаро аҳволга тааллуқли кўпгина масалаларни муҳокама қилдилар.

Музокараларда шунингдек қуйидагилар қатнашдилар:

Совет томонидан— СССРнинг АҚШдаги элчиси А. Ф. Добринин, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. М. Александров, ТАСС бош директори Л. М. Замятин, СССР Ташқи ишлар министрлиги коллегиясининг аъзоси Г. М. Корниенко;

Америка томонидан — АҚШнинг СССРдаги элчиси Уоллтер Ж. Стессель, давлат департаментининг маслаҳатчиси Хелмут Сонненфельдт, АҚШ давлат секретарининг Европа ишлари бўйича ўринбосари Артур Хартман, президентнинг миллий хавфсизлик масалалари билан шуғулланувчи ёрдамчисининг ўринбосари генерал Брент Скаукрофт, давлат департаментининг масъул ходими Уильям Хайленд.

I.

Совет Иттифоқи ва Америка Қўшма Штатлари бундан буён ҳам ўз муносабатларини принципиал қўшма қарорларида ҳамда кейинги йилларда икки давлат ўртасида тузилган асос замин бўлиб хизмат қилувчи шартномалар ва битимларда белгилаб берилган йўналишда ривожлантириб бораверишга аҳд қилганликларини таъкидладилар.

Улар СССР билан АҚШ ўртасида ялпи тинчликни кучайтириш, халқаро кескинлик юмшашини мустаҳкамлаш ҳамда иқтимоий тузумлари турлича бўлган давлатлар ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш борасида тутилаётган бундай йўл иккала мамлакат халқларининг ва бошқа халқларнинг ҳаётий манфаатларига мос бўлиб тушишига аминдирлар,

Томонлар ўзлари ўртасида тузилган битимлар асосида Совет—Америка муносабатларини тинч-тотув яшаш ва тенг хавфсизлик асосида тубдан қайта қуриш ишида муҳим натижаларга эришилди, деб ҳисоблайдилар. Бу натижалар шундай қайта қуришни амалга оширишда янада олга бориш учун мустаҳкам заминдир.

Шунга мувофиқ улар СССР билан АҚШ ўртасидаги муносабатларнинг яхшиланиш жараёни бундан буён ҳам муттасил ривожланиб бориб, муқаррар характер касб этмоғи учун илгари имзоланган ҳужжатларда белгилаб берилган ҳамма йўналишларда сурўатни бўшаштирмай биргалашиб куч-ғайрат кўрсатиш қўлами ва шижоатини зўрайтириб бораверишни ниятидадирлар.

СССР билан АҚШ ўзаро тузилган шартнома ва битимларда зиммаларига олган мажбуриятларни иккала томон тўла ҳажмда оғишмай бажаришга ҳақ қилганликлари изҳор этилди.

II.

Музокаралар чоғида Совет—Америка муносабатларининг туб йўналиши: уруш хавфини йўқотиш ва қуролланиш пойгасини тўхтатиш чораларига алоҳида эътибор берилди.

Томонлар СССР билан АҚШ ўртасида ядро урушининг олдини олиш ва стратегик қурол-яроғларни чеклаш тўғрисида тузилган битим ядро можароси ва умуман уруш чиқишга қарши гарантиялар вужудга келтириш жараёнининг яхши бошланишидир деб таъкидлайдилар. Улар шу жараённи ривожлантириш заруратига қаттиқ ишонганликларини изҳор этдилар ва бошқа давлатлар ҳам унга ўз ҳиссаларини қўшадилар, деб умид билдирдилар. СССР билан АҚШ эса, шу тарихий вазифани ҳал этиш мақсадида қаттиқ куч-ғайрат сарфлайверадилар.

Стратегик ҳужум қуроллари чеклаш тўғрисидаги масала юзасидан қўшма баёнот алоҳида эълон қилинади.

Иккала томон жаҳонда ядро қуролининг тарқалиши билан боғлиқ хавф-хатарнинг олдини олиш борасида жиддий куч-ғайрат сарфлаш муҳим ва зарур эканлигини яна бир бор таъкидлади. Шу муносабат билан улар ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартноманинг самарадорлигини ошириш муҳимлигини таъкидладилар.

Илгари эришилган келишувларга мувофиқ СССР билан АҚШ вакиллари ўртасида тинчлик мақсадларидаги ер ости ядро портлашларига тааллуқли масалалар; табиий муҳитга ҳарбий мақсадларда таъсир кўрсатиш воситаларидан фойдаланиш хавф-хатарларига барҳам бериш борасидаги чоралар, шунингдек уруш олиб боришда энг ҳарфли, ажал келтирувчи химиявий воситаларга тааллуқли чоралар юзасидан дастлабки мулоқатлар бўлиб ўтганлиги қайд этилди. Шу масалалар юзасидан ўзаро мақбул қарорларга келиш учун актив изланишларни давом эттиришга келишиб олинди.

III.

Учрашув чоғида бир қанча халқаро проблемалар юзасидан фикрлашиб олинди. Иккала томоннинг қатнашувида олиб борилаётган ва мавжуд кескинлик манбаларига барҳам беришни, халқаро хавфсизликни ва бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлашни мақсад қилиб қўйган музокараларга алоҳида эътибор берилди.

Томонлар Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгаш боришини кўриб чиқиб, кенгашни яқин фурсатда муваффақиятли равишда поёнига етказиш учун имконият бор деган ҳулосага келдилар. Улар кенгаш ишида эришилган муҳим натижалар уни юксак доирада поёнига еказишга имкон беришини, Европанинг тинч келажаги учун шу тадбир аҳамиятига мувофиқ келишини назарда тутадилар.

СССР билан АҚШ қуролли кучлар ва қурол-яроғларни ўзаро қисқартириш тўғрисидаги музокараларга ҳамда Марказий Европада шунга боғлиқ чораларга ҳам муҳим аҳамият берадилар. Улар томонлардан бирининг хавфсизлигига зарар етказмаслик ҳамда ҳарбий жиҳатдан бир томонлама афзалликка эришишга йўл қўймаслик принципи асосида ўзаро мақбул қарорлар топишга актив ёрдам беришга келишдилар.

Томонлар Шарқий Ўрта денгиз районида вужудга келган вазиятни муҳокама қилиб, Кипрнинг мустақиллиги, суверенитети ва территориал бутунлигини қаттиқ туриб қўллаб-қувватлайвериш ҳамда шу борада барча куч ва ғайратларни ишга солавериш ниятида эканликларини айтдилар. Улар Кипр масаласининг одилона ҳал этилиши БМТ Хавфсизлик Кенгаши ва Бош Ассамблеяси Кипр хусусида қабул қилган қарорларини қатъий бажаришга асосланмоғи лозим, деб ҳисоблайдилар.

Яқин Шарқ проблемалари хусусида фикрлашаётиб, иккала томон мазкур райондаги хавфли вазиятдан ташвишланаётганликларини билдирдилар. Улар ушбу районда БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 338-сон резолюцияси асосида шу райондаги ҳамма халқларнинг, жумладан Фаластин халқининг қонуний манфаатларини назарда тутган ҳамда шу райондаги ҳамма давлатларнинг мустақил яшаш ҳуқуқларини ҳурмат қилган ҳолда одилона ва мустаҳкам тинчлик ўрнатиш туб масалаларини ҳал этишга ёрдам бериш учун барча куч-ғайратларини сарфлайвериш ниятида эканликларини таъкидлайдилар.

Томонлар Женева конференцияси Яқин Шарқда одилона ва мустаҳкам тинчлик ўрнатишда муҳим роль ўйнамоғи керак ва ўз ишини мумкин қадар тезроқ яна бошлаб юбормоғи лозим, деб ҳисоблайдилар.

СССР билан АҚШ ўртасида савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий алоқалар доирасидаги ишларнинг аҳволи кўриб чиқилди. Иккала томон шу соҳада бундан бўёнги тараққиёт Совет—Америка муносабатлари учун катта аҳамиятга эга бўлишини таъкидладилар ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни қаттиқ туриб кенгайтиравериш ва кенгайтиравериш пайдан бўлаверишларини изҳор қилдилар.

Улар ўзоқ муддат асосидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликка, шу жумладан катта кўламдаги лойиҳаларни йўлга солишга алоҳида аҳамият бераётганликлари таъкидлаб ўтилди. Томонлар бундай савдо-иқтисодий ҳамкорлик Совет—Америка муносабатлари барқарорлигини ошириш ишига хизмат қилади, деб ҳисоблайдилар.

СССР билан АҚШ ўртасида фан, техника ва маданият соҳасида тузилган битимлар муваффақиятли амалга оширилиб ва алоқалар ҳамда ҳамкорликни ривожлантириб борилаётганлиги мамнуният билан қайд этилди. Томонлар бундай ҳамкорликнинг янада ривожланиши икки мамлакат халқларига наф келтиришига ва Умумжаҳон фан-техника проблемаларини ҳал этишга муҳим ҳисса бўлиб қўшилишига аминдирлар.

Музокаралар ошкора ва ҳамжиҳатлик вазиятида ўтди. СССР билан АҚШ ўртасида тинч-тотув ҳамкорлик қилиш муносабатларини мустаҳкамлаш ва янада ривожлантиришга, ҳал этилмаган халқаро проблемаларни бартараф этишда тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб, тараққиётни таъминлашга иккала томоннинг конструктив ҳаракатда бўлаётганлиги шуни билдиради.

Ўтказилган музокаларнинг якунлари юксак доирадаги Совет—Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги янги муносабатларни шакллантиришда уларнинг ниҳоятда муҳим ролининг яққол далили бўлди.

Президент Форд 1975 йилда расмий визит билан АҚШга бориш тўғрисида Л. И. Брежневга қилинган таклифни яна таъкидлади.

Визитнинг аниқ муддати кейинчалик келишиб олинади.

1974 йил, 24 ноябрь.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи номидан
Л. БРЕЖНЕВ,
КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БОШ СЕКРЕТАРИ

Америка Қўшма Штатлари номидан
Ж. ФОРД,
АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИ ПРЕЗИДЕНТИ

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ ВЛАДИВОСТОКДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

ВЛАДИВОСТОК, 25 ноябрь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев бугун Владивостокдан жўнаб кетди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, граждан авиацияси министри Б. П. Бугаев, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. М. Александров, ТАСС бош директори Л. М. Замятин, СССР Ташқи ишлар министрлиги коллегиясининг аъзоси Г. М. Корниенко, Л. И. Брежнев билан бирга жўнаб кетдилар.

КПСС Приморье ўлка комитетининг биринчи секретари В. П. Ломакин, КПСС Хабаровск ўлка комитетининг биринчи секретари А. К. Черний, КПСС Амур область комитетининг биринчи секретари С. С. Авраменко, КПСС Камчатка область комитетининг биринчи секретари Д. И. Качин, КПСС Магадан область комитетининг биринчи секретари С. А. Шайдуров, КПСС Сахалин область комитетининг биринчи секретари П. А. Леонов, КПСС Якутия область комитетининг биринчи секретари Г. И. Чиряев, КПСС Яҳудий автоном область комитетининг биринчи секретари Л. Б. Шапиро, Приморье ўлка ижроия комитетининг раиси И. И. Штодин, Қизил байроқ орденли Узоқ Шарқ ҳарбий округи қўшинлари қўмондони армия генерали В. И. Петров, Қизил байроқ орденли Тинч океан флоти қўмондони, вице-адмирал В. П. Маслов, КПСС Приморье ўлка комитети бюросининг аъзолари Владивосток аэропортида КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневни кузатиб қолдилар.

Шаҳар меҳнаткашларининг намояндалари аэродромга тўпландилар. Улар ўртоқ Л. И. Брежневни самимий кузатиб қолдилар, унга оқ йўл тиладилар.

СОВЕТ ПАРТИЯ-ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ УЛАН-БАТОРГА ЖЎНАБ КЕТДИ

ИРКУТСК, 25 ноябрь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев Владивостокдан Улан-Баторга бораётиб, бугун бу ерда қисқа фурсат тўхтади. Л. И. Брежнев МХРП Марказий Комитети, МХР Буюк Халқ Хурали президиуми ва ҳукуматининг таклифига биноан совет партия-ҳукумат делегациясига бош бўлиб МХРП III съезди ва МХР эълон қилинганлигининг 50 йиллигига бағишланган тантаналарда қатнашиш учун Монголия Халқ Республикасига бораяпти.

Партия-ҳукумат делегацияси составидаги КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико ва бошқа расмий кишилар ўртоқ Л. И. Брежнев билан бирга келдилар.

Иркутск аэропортида ўртоқ Л. И. Брежневни партия-ҳукумат делегацияси составидаги КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Қозоғистон Компартиясининг Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. А. Кунаев, КПСС Марказий Комитети аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари И. Т. Новиков, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари И. В. Архипов, КПСС Марказий Комитети аъзоси, Қирғизистон Компартиясининг Марказий Комитетининг биринчи секретари Т. У. Усубалиев, КПСС Марказий Комитети аъзоси, КПСС Иркутск область комитетининг биринчи секретари Н. В. Банников, шунингдек Иркутск область ижроия комитетининг раиси Ю. А. Кравченко, КПСС Иркутск область комитетининг бюросининг аъзолари, область ва шаҳарнинг партия ҳамда совет раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари, кутиб олдилар.

Аэродромда ўртоқ Л. И. Брежнев йиғилиш аҳли билан суҳбатлашди, АҚШ Президенти Ж. Форд билан учрашганлиги тўғрисида уларга гапириб берди.

Шу куни ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги совет партия-ҳукумат делегацияси Улан-Баторга жўнаб кетди.

КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси К. В. Русаков, КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. М. Александров, бошқа расмий кишилар делегация билан бирга жўнаб кетдилар.

КПСС Иркутск область комитети бюросининг аъзолари, область ва шаҳарнинг партия ҳамда совет раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари Леонид Ильич Брежневни ва у билан бирга жўнаб кетувчи ўртоқларни кузатиб қолдилар.

Иркутск меҳнаткашлари аэропортда ўртоқ Л. И. Брежневни кутиб олишда ва кузатиб қолишда уни самимий ва сидқидилдан табриклашдилар.

МОНГОЛИЯ ДИЁРИДА САМИМИЙ КУТИБ ОЛИШ

УЛАН-БАТОР, 25 ноябрь. (ТАСС махсус мухбирлари). Қардош Монголия шаҳар ва қишлоқларининг байрам либосини кийганлиги, қизил байроқлар, шиорлар, транспарантлар, меҳнат ғалабаларини тасвирловчи рақамлар, кишилар чеҳрасидаги шодуҳуррамлик-буларнинг ҳаммаси Монгол халқ Республикаси диёрида катта байрам бошланганлигидан далолат бериб турибди. Кўчаларда ва майдонларда ранг-баранг панно лар ҳамда чатиштирилган ҳалқалар билан ўроқ ва болға тасвирланган байроқлар кўзга ташланади. Бу эмблема абадий бузилмас Монголия-Совет дўстлиги рамзидир. Мамлакат икки шонли юбилейни — Монголия Халқ Революцион партияси III съезднинг 50 йиллиги ва Монголия Халқ Республикаси эълон қилинган куннинг 50 йиллигини нишонламоқда.

(Давоми иккинчи бетда).

ҚАРДОШЛИК ҚУТЛОВЛАРИ

Л. И. Брежнев, Н. В. Подгорний, А. Н. Косигин ўртоқлар Монголия Халқ Революцион партияси III съездининг 50 йиллиги ва Монголия Халқ Республикаси эълон қилинган куннинг 50 йиллиги муносабати билан Монголия Халқ Революцион партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Монголия Халқ Республикаси Буюк Халқ Хурали Президиумининг Раиси ўртоқ Ю. Цеденбалга, Монголия Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Ж. Батмунхга табрик телеграммаси юбордилар.

Коммунистларнинг ва бутун монгол халқининг ҳаётидаги ана шу тарихий воқеалар, дейилади телеграммада, 1921 йилдаги халқ революциясининг ғалабаларини чуқурлаштириш ва ривожлантириш учун курашда энг муҳим марра бўлди. Монголиянинг нокапиталистик тараққиёти юзасидан съезд томонидан қабул қилинган марксча-ленинча йўл республика меҳнаткашларига социал-иқтисодий қолоқликни бартараф қилишнинг равшан истиқболларини очиб берди.

Монголия Халқ Республикасининг меҳнаткашлари ўзининг жанговар авангарди — Монголия Халқ Революцион партияси раҳбарлигида ярим аср мобайнида актив кураш олиб бориб ва зўр ғайрат билан меҳнат қилиб, СССР ҳамда бошқа қардош социалистик мамлакатлар билан мустаҳкам ҳамкорликда жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларида чуқур, чинакам революцион ўзгартишларни амалга оширдилар, бир замонлар қолоқ бўлган феодал мамлакатни социалистик давлатга айлантирдилар. Социалистик ишлаб чиқариш муносабатларнинг ғалабаси, мамлакатдаги ишлаб чиқарувчи кучларнинг тез ўсганлиги ва халқ турмуши моддий даражасининг тез юксалганлиги, социалистик идеологиянинг тантанаси, монгол маданиятининг чинакам равнақ топганлиги, халқ Монголияси тараққиётининг бутун тажрибаси иқтисодий жиҳатдан орқада қолган мамлакатлар нокапиталистик йўлдан ривожланишни мумкин эканлиги тўғрисидаги ленинча таълимотнинг ҳаётий таълимот эканлигини жуда яққол исбот этади.

Монголия Халқ Республикаси ҳозирги кунда социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари ягона ва аҳил оиласининг тўла ҳуқуқли аъзосидир. Монголия Халқ Республикаси социалистик давлатларнинг мустаҳкам тинчлик ва халқлар хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ва ўзаро келишиб олинган ташқи сиёсий йўлини биргаликда ишлаб чиқиш ва амалга оширишда актив қатнашмоқда. Монголия Халқ Республикаси бошқа қардош мамлакатлар билан биргаликда социалистик иқтисодий интеграцияни янада ривожлантириш учун (кучғайратларини тиғмай сарф қилмоқда, икки томонлама ва кўп томонлама негизда қардош мамлакатларнинг ҳамкорлигини бутун чоралар билан ривожлантириш ва кучайтириш учун изчил ҳаракат қилмоқда. Монголия Халқ Республикасининг Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашидаги актив фаолияти ҳаммага маълум.

Телеграммада қуйидагилар таъкидлаб ўтилади: Монголия Халқ Революцион партияси бошқа қардош партиялар билан биргаликда марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми принципари асосида жаҳон коммунистик ҳаракати жипслигини мустаҳкамлаш учун, барча революцион кучларнинг бирлиги учун кураш ишига қўшаётган самарали ҳиссаси жуда манзур бўлмоқда.

Монголия меҳнаткашларининг эски ва янги мустамлакачиликка қарши, ўз миллий ва социал озодлиги учун курашаётган халқлар билан жанговар бирдамлиги замонамиздаги антиимпериалистик ҳаракатда Монголия Халқ Республикасини юксак обрў-эътиборга сазовор қилди.

Ўтган ярим аср КПСС билан Монголия Халқ Революцион партияси, СССР билан Монголия Халқ Республикаси ўртасида социалистик интернационализм, чинакам ҳуқуқий тенглик, ўзаро бегараз ёрдам ва мадад беришнинг ленинча принципларига асосланган қардошларча иттифоқ доим ривожланиб, мустаҳкамланиб борган давр бўлди, деб таъкидланади телеграммада. Тинч бунёдкорлик меҳнати йилларида ҳам, умумий душманларга қарши жангларда ҳам сиёсий, иқтисодий, маданий, ҳарбий соҳалардаги ва бошқа соҳалардаги Совет—Монгол дўстлиги ҳамда ҳамкорлиги ҳар икки мамлакат халқларининг туб манфаатларига, социализм ва тинчлик ишига хизмат қилди ва хизмат қилмоқда.

Монгол халқи экономикани, маданиятни янада ривожлантириш соҳасида кўраётган тадбирларида, ўз мамлакати хавфсизлигини таъминлашда бундан буён ҳам Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, СССР ҳукуматининг ва бутун совет халқининг қардошларча ёрдами ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашига умид боғлай олади. 1966 йил 15 январда дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида тузилган Шартнома Совет—Монгол муносабатларини янада ривожлантириш ва мамлакатларимиз ҳамда халқларимиз ўртасидаги бузилмас иттифоқни мустаҳкамлаш учун пухта пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Азиз дўстлар, дейилади табрик телеграммасининг охирида, совет кишилари умумий интернационал байрамимизни Сизлар билан биргаликда нишонлаб, Монголиянинг ишчилар синфига, кооперативлашган аратларига, халқ зиёлиларига, революцион кураш ветеранларига ва ёшларига самимий табрик сўзлари билан мурожаат қиладилар ҳамда Монголия Халқ Революцион партияси XVI съездининг қарорларини амалга ошириш, Монголия диёрида социализмнинг моддий-техника базаси қурилишини тугаллаш соҳасидаги олижаноб меҳнатда катта муваффақиятларга эришувларини тилайдилар. (ТАСС).

РУМИНИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XI СЪЕЗДИГА

Азиз ўртоқлар!

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Марказий Комитети, совет коммунистлари, мамлакатимизнинг халқлари номидан съезд делегатларига, Руминия Коммунистик партиясининг барча аъзоларига ва Руминия Социалистик Республикасининг меҳнаткашларига ўртоқларча қизғин саломини йўллайди ва Руминия Коммунистик партияси XI съездининг самарали ишлашини истаганлигини билдиради.

Биз, зўр мамнуният билан шуни қайд қиламизки, Руминия меҳнаткашлари социалистик қурилиш йилларида ўз Коммунистик партияси раҳбарлигида бошқа социалистик мамлакатларнинг халқлари билан мустаҳкам ҳамкорликда румин диёрида буюк революцион ўзгартишларни амалга оширди. Руминия ҳозирги кунда саноати, социалистик қишлоқ хўжалиги ривожланган, илғор фан ва маданиятга эга бўлган мамлакатга айланди.

Бизнинг Руминия коммунистлари, румин халқи ривожланган социалистик жамиятни барпо этиш ва коммунизм сари олға ҳаракат қилиб бориш ишида партия ва мамлакат олдига қўйилган янги вазифаларни ҳам муваффақиятли бажарадилар, деб ишонч билдирамиз. Коммунистлар партияси раҳбарлигида румин ишчилар синфи, кооперативлашган деҳқонлар ва халқ зиёлиларининг бунёдкорлик меҳнати, Руминия Социалистик Республикасининг қардош социалистик мамлакатлар билан алоқаларининг мустаҳкамланиши ва мустаҳкам ҳамкорликнинг кенгайиб бориши, социалистик иқтисодий интеграция комплекс программасини амалга оширишда актив қатнашиш социалистик Руминиянинг бундан буёнги равнақининг гаровидир.

Марксизм-ленинизм принципари ва пролетар интернационализми негизида қардош партиялар ва давлатлар бирлиги ҳамда жипслигини кучайтириш социалистик ҳамдўстликдаги барча мамлакатларнинг туб манфаатларига тамомила мос бўлиб тушади. Қардош мамлакатларнинг янги жамиятни барпо этиш ва социализм ғалабаларини ҳимоя қилиш соҳасида биргалашиб қилаётган ҳаракати уларнинг халқаро майдондаги ташаббускор сиёсати, коммунистик ҳаракат бирлигини мустаҳкамлаётганлиги ва миллий озодлик кучларининг ўсиши билан бир қаторда жаҳондаги сиёсий вазиятга тобора кучли таъсир кўрсатади, кескинликни юмшатиш жараёнига, тинчлик ва социал тараққиёт ишининг комил ишонч билан олға боришига ёрдам беради.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси совет ва румин халқлари ўртасидаги, ҳар икки мамлакат коммунистик партиялари ўртасидаги қардошларча дўстликни мустаҳкамлаш, сиёсий, иқтисодий, маданий соҳаларда ва бошқа соҳаларда ҳар томонлама яқин ҳамкорлик ўрнатиш, социализм ва коммунизм қуриш тажрибасини биргаликда ўрганиш, халқаро майдонда ўз тадбирларимизни мустаҳкам суратда муваффақиштириб олиб бориш учун доим ҳаракат қилиб келмоқда.

Руминияни социализм ва коммунизм йўлидан ҳар томонлама ривожлантиришда Руминия коммунистларига, Руминия Социалистик Республикаси барча меҳнаткашларига янгидан-янги катта муваффақиятларга эришувларини тилаймиз.

Муштарак мақсадлар учун курашда, социализм ва бутун жаҳонда тинчлик иши манфаатлари йўлида КПСС билан Руминия Коммунистик партиясининг, совет халқи билан румин халқининг қардошларча дўстлиги, ҳамкорлиги ва бирдамлиги ривожланиб, мустаҳкамланаверсин!

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

МОНГОЛИЯ ДИЁРИДА САМИМИЙ КУТИБ ОЛИШ

(Боши биринчи бетда).

КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Совет партия-ҳукумат делегациясининг визити муносабати билан бу ажойиб воқеа алоҳида аҳамият касб этади. Делегация Монголия Халқ Революцион партияси Марказий Комитети, Монголия Халқ Республикаси Буюк Халқ Хурали Президиуми ва Министрлар Советининг таклифи билан тантаналарда қатнашади.

Монголия пойтахтининг неча ўн минглаб аҳолиси бугун Совет Иттифоқидан келган меҳмонларни самимий кутиб олиш, КПССга, совет халқига меҳр-муҳаббат ва иззат-ҳурмат, дўстлик ва қардошлик туйғуларини яна бир марта изҳор қилиш учун Улан-Баторнинг кўчалари ва майдонларига чиқди.

Маҳаллий вақт билан соат 15. Ҳаво лайнери Буянт-Уха аэропортига қўнади. Монголия Халқ Революцион партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, МХР Буюк Халқ Хурали Президиумининг Раиси Ю. Цеденбал, МХРП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, МХР Министрлар Советининг Раиси Ж. Батмунх, МХРП Марказий Комитетининг аъзоси, МХР ташқи ишлар министри Л. Ринчин самолёт пилларояси олдида Леонид Ильич Брежневни, Совет партия-ҳукумат делегациясининг аъзоларини қардошларча қизғин табриклайдилар. Бу ерда Совет партия-ҳукумат делегацияси составига кирувчи КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, СССРнинг МХРдаги элчиси А. И. Смирнов ҳам бор эди.

Л. И. Брежнев билан биргаликда партия-ҳукумат делегацияси составида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. А. Кунаев, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Т. У. Усубалиев, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раисининг ўринбосари И. Т. Новиков, СССР Министрлар Советининг Раисининг ўринбосари И. В. Архипов, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Иркутск область комитетининг биринчи секретари Н. В. Банников келишди.

КПСС Марказий Комитети аъзоси, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси К. В. Русаков, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. М. Александров ва бошқа расмий кишилар ҳам Улан-Баторга келишди.

СССР ва Монголия Халқ Республикасининг давлат байроқлари билан ва рус ҳамда монгол тилларида «Яшасин монгол ва совет халқларининг бузилмас қардошларча дўстлиги ва ҳар томонлама мустаҳкам ҳамкорлиги!» сўзлари ёзилган табрик транспарантлари билан безатилган аэродромда ўртоқ Л. И. Брежневни, совет делегациясининг аъзоларини МХРП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Н. Жагварал, С. Жалан-ажав, С. Лувсан, Н. Лувсанравдан, Д. Майдар, Д. Моломжамц, МХРП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидатлар Б. Алтангэрэл, Т. Рагча, МХРП Марказий Комитетининг биринчи секретари, Буюк Халқ Хурали Президиумининг Раиси Д. Чимиддорж, бошқа раҳбар партия ходимлари, республика ҳукуматининг аъзолари, жамоатчилик вакиллари ҳам кутиб олдилар.

Бу ерда СССР Олий Совети Миллатлар Советининг раиси В. П. Рубен бошчилигидаги совет жамоатчилиги делегацияси, совет хотин-қизлари комитети президиумининг аъзоси В. Е. Вавилина бошчилигидаги шу комитетнинг делегацияси ҳам бор эди.

Кутиб олувчилар орасида Монголия Халқ Республикасидаги дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари ҳозир бўлдилар.

Монгол ва совет мактаб ўқувчилари меҳмонларга гулдасталар тақдим этишди.

Совет Иттифоқи билан Монголия Халқ Республикасининг давлат гимнлари жаранглайди. Тўплардан 21 марта ўқ узиб салют берилади.

Л. И. Брежнев ва Ю. Цеденбал ўртоқлар Монголия жангчилари сафи олдидан ўтадилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Монголия Халқ Республикаси партия ва ҳукуматининг раҳбарлари билан, МХРдаги совет элчихонасининг ходимлари ва совет ташкилотларининг вакиллари билан саломлашиб кўришади.

Д. Сухэ-Батор номли мактаб ўқувчилари ўртоқ Л. И. Брежневни табриклайдилар. Леонид Ильич 1966 йилда шу мактаб пионерлар сафига фахрий аъзо қилиб қабул этилган эди.

Л. И. Брежнев ва Ю. Цеденбал ўртоқлар пойтахт меҳнаткашларининг аэродромга тўпланган вакиллари томон юрадилар. Булар КПСС Марказий Комитети Бош секретарини ва МХРП Марказий Комитетининг биринчи секретари, Буюк Халқ Хурали Президиумининг Раисини гулдурос қарсаклар ва дўстона хитоб сўзлари билан табриклайдилар. Абадий бузилмас совет-монгол дўстлиги шарафига, КПСС ва МХРП шарафига табрик сўзлари янграйди.

Л. И. Брежнев, Ю. Цеденбал ўртоқлар, Совет партия-ҳукумат делегациясининг аъзолари ва Монголия раҳбарлари автомашиналарга чиқадилар. Мотоциклчилар экскорти ҳамроҳлигидаги кортеж шаҳарга қараб йўл олади.

Ўртоқ Л. И. Брежневни, Совет Иттифоқидан келган меҳмонларни ва Монголия раҳбарларини бутун йўл бўйи шахтёрлар, темир йўлчилар, аратлар, студентлар, мактаб ўқувчилари, Улан-Баторнинг аҳолиси самимий шоду-хуррамлик билан қизғин табрикладилар. Улар К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин, Д. Сухэ-Батор, Л. И. Брежнев, Ю. Цеденбал портретларини кўтариб олишган эди. Қизил алвонларга рус ва монгол тилларида шундай табрик ва салом сўзлари ёзилган эди: «Хуш келибсиз, ўртоқ Л. И. Брежнев!», «КПСС-га шон-шарафлар!», «Совет халқига шон-шарафлар!», «Қардош совет халқининг вакилларини табриклаймиз!», «Яшасин пролетар интернационализми!», «Яшасин бутун дунёда тинчлик!», «Яшасин монгол-совет дўстлиги!».

Улан-Баторда Совет партия-ҳукумат делегациясининг самимий кутиб олинганлиги Монголия Халқ Революцион партияси билан КПССнинг бирлиги ва жипслигини, Монголия Халқ Республикаси билан СССРнинг, монгол ва совет халқларининг бузилмас қардошларча дўстлигини яна бир марта ёркин намойиш қилди.

Е. ИВАНОВ, М. ГЕРАСИМОВ.

СОВЕТ—АМЕРИКА ҚЎШМА БАЁНОТИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев ва АҚШ Президенти Жеральд Р. Форд 1974 йилнинг 23-24 ноябрь кунлари Владивосток районида ўтказилган амалий учрашувлари чоғида стратегик ҳужум қурол-яроғларини янада чеклаш тўғрисидаги масалани муфассал равишда муҳокама қилиб чиқдилар.

Улар Совет Иттифоқи, шунингдек Америка Қўшма Штатлари стратегик ҳужум қурол-яроғларини чеклашга нақадар катта аҳамият бераётганликларини таъкидладилар. Улар шу масала юзасидан узоқ муддатга мўлжаллаб тузиладиган битим СССР билан АҚШ ўртасидаги муносабатларни яхшилаш ишига, уруш хавфини камайтириш ва халқаро тинчликни мустаҳкамлаш ишига катта ҳисса бўлиб қўшилган бўлур эди, деб ишонадилар.

Улар ушбу масала юзасидан илгари тузилган битимларнинг, шу жумладан, 1972 йилнинг 26 майда тузилган битимнинг қимматини қайд этиб, 1985 йилнинг охиригача муддат билан стратегик ҳужум қуроллароғларини чеклаш борасида янги битим тузиш ниятида эканликларини таъкидладилар.

Бундай янги битимнинг мазмун моҳияти юзасидан фикрлашиш натижасида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари билан АҚШ Президенти 1973 йилда шундай битим ишлаб чиқилиб тайёрланиши учун қулай истиқболлар бор, деган хулосага келдилар.

Бундан буёнги музокаралар қуйидаги моддаларга асосланади, деб келишиб олинди:

1. Янги битим 1972 йилнинг 26 майда тузилган муваққат битимнинг тегишли моддаларини ўз ичига олади ва ўша битим 1977 йилнинг октябригача ўз қучини йўқотмайди.

2. Янги битим 1977 йилнинг октябридан 1985 йилнинг 31 декабригача бўлган даврни ўз ичига олади.

3. Тинчлик ва баббаравар хавфсизлик принципига асосланган янги битим қуйидаги чеклашларни ўз ичига олади:

а) иккала томон келишиб олинган муайян умумий миқдордаги стратегик қуроллароғ ташувчиларга эга бўлиш ҳуқуқини олди;

б) иккала томон келишиб олинган муайян умумий миқдордаги якка равишда мўлжал олдирилувчи ва ажралиб кетувчи каллак қисмлар билан таъминланган қитъалараро баллистик ракеталар ва сув ости кемаларига ўрнатилган баллистик ракеталарга эга бўлиш ҳуқуқини олди.

4. Янги битим 1985 йилдан кейинги даврда стратегик қурол-яроғларни янада чеклаш ва қисқартириш эҳтимолияти масаласи юзасидан 1980—1981 йиллардан кечикмай бошланиши керак бўлган музокаралар тўғрисидаги моддани ўз ичига олади.

5. СССР билан АҚШ делегациялари ўртасида юқорида қайд этилган моддани ўз ичига олувчи янги битим ишлаб чиқиш мақсадидаги музокаралар 1975 йилнинг январида Женевада яна бошлаб юборилади.

1974 йил 24 ноябрь.

АҚШ ПРЕЗИДЕНТИ ШАРАФИГА

ВЛАДИВОСТОК, 24 ноябрь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев бугун АҚШ Президенти Ж. Форд шарафига зиёфат берди.

Ж. Форд билан бирга зиёфатда Президентнинг сафарида унга ҳамроҳлик қилаётган бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

Совет томонидан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, граждан авиацияси министри Б. П. Бугаев, СССРнинг АҚШдаги элчиси А. Ф. Добринин, КПСС Приморье ўлка комитетининг биринчи секретари В. П. Ломакин, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. М. Александров, Приморье ўлка ижроия комитетининг раиси И. И. Штодин, бошқа расмий кишилар ҳозир бўлишди.

Зиёфат вақтида Л. И. Брежнев нутқ сўзлади.

Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Муҳтарам Президент жаноблари!

Жаноблар!

Ўртоқлар!

Биз Президент жаноблари сизни, давлат секретари Киссинжерни ва бу ерга, Совет Узоқ Шарқига келган американликлар барча меҳмонларимизни табриклашдан хурсандмиз.

Жаноб Президент, бу бизнинг сиз билан бўлаётган биринчи учрашувимиз.

Бинобарин, бу учрашув Советлар диёрида бўлаётганлигини қадрлаймиз. Бу эса, бизга Президент Форднинг нисбатан муайян даражада меҳмондўстлик кўрсатиш имконини беради. Лекин бу, албатта, жаноб Президент сизнинг мамлакатимиз билан танишувингизнинг бошланишидир холос. Биз аминмизки, сиз келгусида мамлакатимиз билан танишасиз. Бизнинг биринчи учрашувимиз нуқул амалий характерга эга бўлганлиги ва бундан аввалги олий даражадаги Совет — Америка учрашувидан кейин орадан салкам ярим йил ўтгач бўлаётганлиги фактининг ўзи кўп нарсадан далолат беради. Ҳар икки мамлакатларимиз раҳбарларининг учрашувлари ва музокаралари мунтазам характер касб этмоқда. Бу учрашув ва музокаралар аслида ўзининг жуда катта аҳамиятини сира йўқотмагани ҳолда, айтиш мумкинки, шакл жиҳатидан тасодифий характерга эга бўлмай қолди. Бу учрашув ва музокаралар Совет — Америка муносабатларини ривожлантириш нормаларидан бирига айланмоқда. Бу эса, менинг фикримча, ўз-ўзидан муҳим ютуқдир.

Сўнгги икки-уч йил мобайнида биргаликда кучғайрат сарфлаб тинч-тотув яшаш негизларида, ҳар икки мамлакат халқлари ва ялпи тинчлик манфаатларини кўзлаб Совет Иттифоқи билан Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги муносабатларни қайта қуриш йўлида ҳозирдаёқ кўп иш қилинди.

Бизнинг давлатларимиз ядро урушининг келиб чиқишига йўл қўймаслик мақсадларида ҳаракат қилиш мажбуриятини олдилар. Бу катта ишдир. Стратегик қуролланиш пойгасини чеклаш борасида дастлабки қадамлар қўйилди. Мамлакатларимизнинг ана шу ғоят муҳим соҳада конструктив мулоқотга ўтиши халқаро хавфсизликни ва ялпи тинчликни мустаҳкамлашнинг жиддий омили бўлиб қолди.

Биргаликда куч-ғайрат сарфлаб вужудга келтирилган сиёсий ва юридик негизда мамлакатларимиз ўртасида хилма-хил икки томонлама алоқа ва ҳамкорлик яхши кенгайиб бормоқда. Бу алоқа ва ҳамкорлик экономика соҳасини ҳам, техниканинг турли тармоқларини ҳам, маданий бойликларни тобора кўпроқ жонли айирбошлашни ҳам, турли давлат ва жамоат ташкилотлари вакилларининг бир-бирларининг мамлакатларига бориб туришини ҳам қамраб олмоқда. Бундай алоқалар ҳар бир конкрет соҳада соф амалий жиҳатдан, шубҳасиз, фойдалидир. Лекин бу алоқалар шу жиҳатдан янада кўпроқ қимматлики, улар туфайли халқларимиз ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик ва ишончнинг ўсиши учун энг яхши шарт-шароитлар вужудга келмоқда. Бу эса, айниқса, муҳимдир.

Ҳозир, афтидан вужудга келган негизга таянниб, бизнинг учун олға томон ҳаракат қилиш имконини берадиган янги қадамларни биргаликда белгилаш пайти келди. Бизнинг фикримизча, жаноб Президент, учрашувимизнинг асосий вазифаси худди ана шундан иборатдир. Қурол-яроғларни, эндиликда стратегик қурол-яроғлар деб аталадиган қурол-яроғларни бундан буён чеклаш, сўнгра эса, қисқартириш тўғрисида келишувга эришиш сингари ҳаётий муҳим проблема биринчи навбатда бизнинг диққат-эътиборимизни жалб этди, албатта. Ракета-ядро урушининг келиб чиқиш хавфини ва унинг халқлар бошига солиши мумкин бўлган ҳамма оқибатларини бартараф қилишга биз ҳақиқатдан ҳам кўмаклашишни истар эканмиз, бу зарурдир. Халқаро кескинликнинг юмшатилиши чинакамига барқарор бўлиб қолиши учун уни ҳарбий соҳадаги кескинликни юмшатиш билан мустаҳкамлаш зарур.

Бу соҳадаги янги прогресс ялпи тинчлик иши учун ғоят катта аҳамиятга эга бўлади. Биз шу жиҳатдан қараганда Владивостокда фойдали ишлар қилдик. Бу иш охирига етказилиб янги шартнома имзоланса, у ҳолда сиз билан бизга, Президент жаноблари, Совет ва Америка халқларигина эмас, шу билан бирга ер юзидаги барча халқлар ҳам раҳмат айтишади.

Яна бир муҳим масала. Биз Совет Иттифоқида шу нарсага аминмизки, СССР билан АҚШ тинчлик манфаатларига амал қилиб, ва бошқа тинчликсевар давлатлар билан биргаликда иш кўриб, ҳали ҳам ҳал этилмаган кескин халқаро проблемаларни ҳал этишга, кескинлик ва можароларнинг хатарли манбаларини тугатишга актив кўмаклаша оладилар ва кўмаклашишлари лозим. Бу соҳада илгари баъзи бир ишлар қилинди. Бироқ тинчлик ва халқлар хавфсизлигини мустаҳкамлаш мақсадларида мамлакатларимизнинг ҳамкорлиги бундан ҳам анча самаралироқ бўлиши мумкин эди, деб ҳисоблаймиз.

Маълумки, ҳар иккала мамлакатларимиз ўртасида тенг ҳуқуқли савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш мақсадида йўлни чинакамига тозалаш учун ҳам ҳали кўп иш қилиниши лозим. Бунда гап ўзаро моддий манфаат устидагина эмас, балки умуман Совет—Америка муносабатларини барқарор тарзда яхшилаш учун ўзига хос моддий негиз яратиш тўғрисида бораётганлиги сабабли ҳам бу айниқса муҳимдир.

Совет, — Америка муносабатларини узлуксиз, жадал ривожлантиришни таъминлаш, бу жараённи муқаррар тусга айлантириш учун бутун куч-ғайратни сарфлаш лозимлиги борасида, менинг фикримча, сиз билан бизнинг, жаноб Президент, фикрларимиз бир хил эканлиги маълум бўлди. Ана шундай мақсад йўлида куч-ғайратни аямай ишласа арзийди. Учрашувимиз шу йўлда янги муҳим қадамлар қўйиш имконини бераётганлигидан биз хурсандмиз.

Америка Қўшма Штатлари Президенти Жеральд Форд сиҳат-саломатлиги учун қадаҳ кўтаришни таклиф қилишга ижозат бергайсиз!

Давлат секретари Киссинжер жаноблари сиҳат-саломатлиги учун!

Бу ерда ҳозир бўлган америкалик барча меҳмонлар сиҳат-саломатлиги учун!

Совет Иттифоқи билан Америка Қўшма Штатлари халқлари ўртасидаги тинчлик ва дўстлик учун!

Бутун дунёда мустаҳкам тинчлик учун!

* * *

Сўнгра АҚШ Президенти нутқ сўзлади.

Жеральд ФОРД нутқи

Бош секретарь жаноблари.

Бу учрашувнинг, бизнинг биринчи расмий учрашувимизнинг алоҳида аҳамияти тўғрисида бир неча сўз айтиб ўтишга ижозат бергайсиз.

Совет Иттифоқи ва Қўшма Штатлар раҳбарлари ўртасидаги мунтазам учрашувларга жаҳон аҳли қўникиб қолди. Кейинги бир неча йил мобайнида иккала мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ўз суръатлари жиҳатидан ҳам, моҳияти жиҳатидан ҳам анча интенсив тус олди. Шунинг натижасида ҳозир барча кишилар тинчлик ва хавфсизликда яшаш учун яхшироқ имкониятга эга бўлдилар.

Учрашувлар янада мунтазам тус олганлиги иккала мамлакатларимиз бу учрашувларга қандай аҳамият бераётганлигини кўрсатиб турибди. Шу учрашувлар чоғида биз суҳбатларимизни амалий ва конструктив руҳда ўтказа оламиз. Биз ўзимизни қизиқтираётган масалалар ҳусусида муҳим силжишга эришиш имкониятига эгамиз.

Мен иккала мамлакатларимиз раҳбарлари ўртасида таркиб топган яқин, амалий ўзаро муносабатлар давом этади деб умид қиламан.

Мен ўзимнинг Қўшма Штатлар конгрессидаги биринчи нутқимда Америка кейинги уч йил ичида ўтказиб келган йўлга бундан буён ҳам амал қила беради, деб Совет Иттифоқига ваъда берган эдим.

Бош секретарь жаноблари! Мен бу ваъдани ҳозир Сизга шахсан ўзим таъкидлаб ўтяпман. Биз буюк қудратга эга бўлган мамлакатлар бўлганлигимиз учун ўз ҳалқларимиз олдидагина эмас, бутун инсоният олдидаги масъулиятга тенг шерикмиз. Биз урушга ва уруш келтириши мумкин бўлган вайронгарчиликларга йўл қўймаслигимиз керак. Келинглар, қурол-яроғ устидан контроллик ўрнатиш соҳасидаги куч-ғайратимизни давом эттирайлик, келинглар, инсоният олдида турган буюк проблемаларни ҳал этишга ўз ҳамкорлигимиз билан ҳисса қўшайлик.

Озиқ-овқат, аҳолининг кўпайиши ва энергетика проблемалари қандайдир бир мамлакатга ёки иқтисодий ривожланишнинг илк босқичида турган мамлакатларга тааллуқли эмас. Бу проблемалар ҳамма жойдаги халқларга дахлдордир. Агар бу аср тарихда ижобий тарзда ёзилиб қоладиган бўлса, демак бунга биз халқларимиз ва бутун инсоният олдидаги жавобгарликни тўла ҳис этаётганлигимиз бонсидан эришилади.

Инсоният дуч келаётган проблемаларни ҳал этиш йўлларини биргаликда излашимиз учун қадаҳ кўтаришни таклиф этишга рухсат бергайсиз.

* * *

Л. И. Брежнев ва Ж. Форднинг нутқлари зўр эътибор бериб тингланди ва қарсаклар билан кутиб олинди. Зиёфат дўстона вазиятда ўтди.

СОВЕТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ МХР ПАРТИЯ ВА ҲУКУМАТ РАҲБАРЛАРИ БИЛАН УЧРАШДИ

УЛАН-БАТОР, 25 ноябрь. (ТАСС). Улан-Баторга етиб келингач, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Совет партия-ҳукумат делегацияси МХРП Марказий Комитетининг биринчи секретари, МХР Буюк Халқ Хурали Президиумининг раиси ўртоқ Ю. Цеденбал, Монголия Халқ Республикасининг партия ва давлат раҳбарлари билан учрашди.

Совет Иттифоқи билан МХР ўртасидаги қардошларча ҳамкорликни ривожлантиришга боғлиқ бўлган масалалар, баъзи актуал халқаро проблемалар тўғрисида дўстона, самимий суҳбат бўлиб ўтди.

Учрашувда: совет томонидан — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. А. Кунаев, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Т. У. Усубалиев, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раисининг ўринбосари И. Т. Новиков, СССР Министрлар Советининг Раисининг ўринбосари И. В. Архипов, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Иркутск область комитетининг биринчи секретари Н. В. Банников, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, СССРнинг МХРдаги элчиси А. И. Смирнов, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчилари — КПСС Марказий Комитетининг аъзоси К. В. Русаков, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзоси А. М. Александров;

Монголия томонидан МХРП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, МХР Министрлар Советининг Раиси Ж. Батмунх, МХРП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари Н. Жагварал, С. Жалан-ажав, С. Лувсан, Н. Лувсанравдан, Д. Майдар, Д. Моломжамц, МХРП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидатлар Б. Алтангэрэл, Т. Рагча, МХРП Марказий Комитетининг секретари Д. Чимиддорж, МХРП Марказий Комитетининг аъзолари — МХР ташқи ишлар министри Л. Ринчин, МХРП Марказий Комитетининг бўлим мудирлари Ц. Давагсурэн ва Ц. Намсарай, МХР Фанлар академиясининг президенти Б. Ширендиб иштирок этдилар.

Л. И. БРЕЖНЕВ БИЛАН Ж. ФОРД ЎРТАСИДА МУЗОКАРАЛАР ДАВОМ ЭТТИРИЛДИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев билан АҚШ Президенти Ж. Форд ўртасида музокаралар 24 ноябрь тушгача Владивосток яқинидаги резиденцияда давом эттирилди. Музокаларда А. А. Громико ва Г. Киссинжер иштирок этдилар.

Ҳужум қуролларини янада чеклаш тўғрисида янги битим тузишга доир масалаларни қараб чиқиш давом эттирилди. Халқаро аҳволга доир, жумладан, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишланган кенгаш ишига, Яқин Шарқдаги аҳволга доир баъзи муҳим масалалар муҳокама қилинди.

Томонлар музокараларнинг якунлари тўғрисида қўшма ахборот эълон қилиш тўғрисида келишиб олдилар. (ТАСС).

ВЛАДИВОСТОК БЎЙЛАБ САФАР ҚИЛИШДИ

ВЛАДИВОСТОК, 24 ноябрь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев билан АҚШ Президенти Ж. Форд бугун Владивосток бўйлаб сафар қилдилар.

Л. И. Брежнев билан Ж. Форд шаҳарнинг янги районларини, Амур кўрфази соҳилини, бош магистрал Ленин кўчасини ва шаҳарнинг бошқа районларини томоша қилдилар.

Владивосток аҳолиси Л. И. Брежнев билан Ж. Фордни уларнинг сафари вақтида самимий табриклади.

КПСС ДЕЛЕГАЦИЯСИ РКПНИНГ XI СЪЕЗДИГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Руминия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг таклифига биноан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. П. Кириленко бошчилигидаги Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг делегацияси Руминия Коммунистик партиясининг XI съездида қатнашиш учун 24 ноябрда Москвадан Бухарестга жўнаб кетди. Делегация составида КПСС Марказий Комитетининг секретари К. Ф. Катушев, Украина Компартияси Марказий Комитетининг секретари В. Е. Маланчук, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССРнинг РСРдаги элчиси В. И. Дрозденко бор.

Внуково аэродоромида делегацияни А. Я. Пельше, Б. Н. Пономарев, И. В. Капитонов ўртоқлар, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси П. А. Абрасимов, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзоси О. Б. Рахманин, КПСС Марказий Комитети ишлар мудирининг ўринбосари М. И. Кувшинов, КПСС Марказий Комитети бўлими мудирининг ўринбосари Г. А. Киселев, КПСС Марказий Комитетининг бошқа масъул ходимлари кузатиб қолдилар.

Делегацияни шунингдек РСРнинг СССРдаги муваққат ишлар вакили Г. Колц кузатиб қолди.

Шу куни делегация Бухарестга келди.

Аэропортда РКП Марказий Комитети ижроия комитетининг аъзоси, РКП Марказий Комитетининг секретари И. Вердец, РКП Марказий Комитети ижроия комитети аъзолигига кандидат, Руминия умумкасаба союзлари бирлашмаси марказий советининг раиси М. Даля, РКП Марказий Комитети аъзолигига кандидат, РСРнинг СССРдаги элчиси Г. Бадрус ва бошқа расмий кишилар делегацияни кутиб олдилар.

КПСС делегацияси Скинтейя майдонидаги В. И. Ленин ҳайкали супасига гулдаста қўйди.

Халқ ва Ватан озодлиги учун, социализм учун кураш қаҳрамонлари монументи ҳамда румин халқининг бахтли келажаги учун ўз ҳаётини қурбон қилган румин қаҳрамонлари ёдгорлиги ёнига гулчамбарлар қўйилди.

Руминияни фашизмдан озод этиш учун курашда ҳалок бўлган Совет Армияси қаҳрамонлари ёдгорлиги супасига ҳам гулчамбар қўйилди.

Гулдаста ва гулчамбарлар қўйишда РКП Марказий Комитети ижроия комитети аъзолигига кандидат М. Даля ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

АҚШ ПРЕЗИДЕНТИ Ж. ФОРД ВЛАДИВОСТОКДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

ВЛАДИВОСТОК, 24 ноябрь. (ТАСС). Америка Қўшма Штатлари Президенти Жеральд Форд бугун Владивостокдан АҚШга жўнаб кетди. У КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев билан учрашди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, граждан авиацияси министри Б. П. Бугаев, СССРнинг АҚШдаги элчиси А. Ф. Добринин, КПСС Приморье ўлка комитетининг биринчи секретари В. П. Ломакин, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. М. Александров, Приморье ўлка ижроия комитетининг раиси И. И. Штодин, Қизил байроқ орденли Узоқ Шарқ ҳарбий округи қўшинлари қўмондони, армия генерали В. И. Петров, Қизил байроқ орденли Тинч океан флотининг қўмондони, вице-адмирал В. П. Маслов, бошқа расмий кишилар Совет Иттифоқи ҳамда Америка Қўшма Штатларининг давлат байроқлари билан безатилган Владивосток аэропортида Ж. Фордни кузатиб қолдилар.

АҚШ давлат секретари, Президентнинг миллий хавфсизлик масалалари бўйича ёрдамчиси Г. Киссинжер, Президент билан ҳамроҳ бўлиб келган бошқа расмий кишилар ҳам Владивостокдан жўнаб кетдилар.

САМИМИЙ УЧРАШУВЛАР

Монголия тинчлик ва дўстлик ташкилотлари федерацияси ҳамда Монголия — Совет дўстлиги жамиятининг делегацияси Ўзбекистонда уч кун меҳмон бўлди. МХР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, МХР парламент группасининг раиси, Монголия — Совет дўстлиги жамияти марказий совети президиуми раисининг ўринбосари ўртоқ Д. Цэвэгмид делегацияга бошчилик қилмоқда.

24 ноябрда делегация аъзолари Владимир Ильич Ленин Марказий музейи Тошкент филиалини бориб кўрдилар. Улар экспозицияни кўриб бўлгач, фахрий меҳмонлар дафтарига қуйидаги сўзларни ёзиб қолдирдилар: «Монгол халқи совет халқи билан бирга улуғ Ленин мангу таълимотининг порлоқ йўлидан ҳамиша бирга борган ҳолда социализм, коммунизм ғалабасига тўла ишонади».

Меҳмонлар республика корхоналарида, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида бўлиб, Ўзбекистон меҳнаткашларининг хўжалик ва маданий қурилишда эришган муваффақиятлари тўғрисида ёрқин тасаввур ҳосил қилдилар.

Монголиялик дўстлар борган ҳамма ерда Ўзбекистон меҳнаткашлари уларни самимий табрикладилар, Монголия Халқ революцион партияси III съездининг 50 йиллиги ва Монголия Халқ Республикаси эълон этилганлигини ярим асрлик тарихий юбилейлари билан табрикладилар.

Меҳмонлар якшанба куни Москвага жўнаб кетдилар.

(ЎзТАГ).

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ!

Тошкент шаҳридаги саноат корхоналарининг коллективлари беш йиллиқнинг белгиловчи йили топшириқларини муддатидан олдин бажариш учун ўтказилаётган Бутииттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, маҳсулотни реализация қилиш ва энг муҳим буюмларнинг кўпчилик турларини ишлаб чиқариш юзасидан ўн бир ойлик планни муддатидан илгари, 23 ноябрда бажардилар.

«Ташхимсельмаш», агрегат, инструментал заводларининг, биринчи темир-бетон буюмлар заводининг, трикотаж фирмаси, «Ўртоқ» кондитер фабрикасининг ва бошқа корхоналарнинг коллективлари айниқса юқори натижаларга эришдилар.

Ноябрь ойининг охиригача плондан ташқари 59 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот реализация қилинади.

* * *

Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлиги корхоналарининг коллективлари маҳсулотни реализация қилиш ўн бир ойлик планни 22 ноябрда бажардилар. Ой охиригача қўшимча суратда 4,61 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади. Бу билан ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 9,6 процент ўсишга эришиш таъминланади.

* * *

Ўзбекистон балиқ саноати корхоналари, инженер-техник ходимлари маҳсулотни реализация қилиш ўн бир ойлик планини муддатидан аввал, 20 ноябрда бажардилар. Программага қўшимча равишда 800 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинади.

(ЎзТАГ).

Деҳқон бўлсанг — шудгор қил!

Республика областларида 1975 йил ҳосили учун шудгорнинг бориши тўғрисида, шу йил 25 ноябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — областлар, иккинчи стун — шудгор қилинган майдон (минг гектар ҳисобида), учинчи стун — планга нисбатан процент ҳисобида.

ХОРАЗМ	**11,0**	**110,0**
Тошкент	199,4	91,5
Андижон	126,5	72,3
Сирдарё	116,2	71,3
Жиззах	98,8	68,1
ҚҚ АССР	31,5	56,3
Самарқанд	107,8	46,9
Бухоро	55,1	29,6
Фарғона	39,0	27,5
Наманган	37,2	26,8
Қашқадарё	28,6	17,4
Сурхондарё	15,6	10,5
Республика бўйича:	866,7	48,8

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Урганчда Хоразм область партия комитетининг пленуми бўлди. Пленум КПСС XXIV съезди қарорлари асосида ишлаб чиқариш фаолиятида меҳнат коллективларининг ролини ошириш ва меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасида область партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисида область партия комитетининг секретари Р. Жуманиёзовнинг докладини муҳокама қилди. Областда сўғлиқни сақлашнинг аҳволи ва уни янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисидаги масала ҳам муҳокама қилинди.

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ IV СЪЕЗДИ

РЕСПУБЛИКА МУАЛЛИМЛАРИНИНГ АНЖУМАНИ

Алексей Максимович Горькийнинг «Ер юзида шундай инсон борки, биз ундан ҳамиша қарздормиз», — деган сўзларини ўқитувчиларга — бутун ҳаёти, билими, ақли, саховати ва қалб ҳароратини ёш авлод тарбиясига бағишлаётган кишиларга нисбатан айтса бўлади. Ҳозир Ўзбекистондаги икки юз минг ўқитувчи шу олижаноб ишга хизмат қилмоқда.

Катта армиянинг вакиллари — совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида саводсизликни тугатиш муаллими бўлиш, одамларни маърифатга ошно қилишдан иборат машаққатли вазифани ўз зиммасига олган кишиларнинг ворислари ва ишларининг давомчилари 25 ноябрь куни Тошкентда IV съездга тўпландилар.

Съезд эмблемаси — ёниб турган машъала ва унинг фонидаги очиқ китоб республика муаллимларининг катта гурунги ўтаётган Навоий номли театр саҳнасини безаб турибди.

Съездни Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Худойбердиев очди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси баланд руҳ билан фахрий президиумга сайланади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидова сўз берилади. У муаллимларнинг Ватан олдидаги катта хизматлари тўғрисида гапиради, республиканинг барча маориф ходимларига сиҳатсаломатлик, янгидан-янги муваффақиятлар тилайди. Ўртоқ Рашидов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Ўзбекистон ўқитувчилари IV съездига табрикномасини ўқиб беради. Мажлис аҳли уни қарсаклар билан кутиб олади.

«Ўзбекистон ССР мактабларида КПСС XXIV съезди директивалари бажарилишининг бориши ва умумий ўрта таълимга ўтишни тугаллаш вазифалари тўғрисида» Ўзбекистон ССР маориф министри С. М. Шермуҳамедов доклад қилди.

Ўрта умумий таълимга ўтиш юзасидан КПСС XXIV съезди белгилаган вазифа муваффақиятли равишда амалга оширилмоқда. Буни фактлар яққол кўрсатиб турибди. Саккизинчи синфни тамомлагандан кейин ўрта маълумот олишни давом эттираётган ёшлар доимо кўпаймоқда. 1973 йилда саккиз йиллик мактабни тамомлаган йигит ва қизларнинг 95 процентдан кўпроғи шундай қилди.

Умумий ўрта таълимга ўтишни муваффақиятли тугаллашда синфда қолишга қарши кураш муҳим роль ўйнаши лозим. Бу йўлда муайян иш қилинди. Чунончи, 1973 йилда синфда қолдирилган болалар сони аввалги йилга нисбатан икки ярим баравар камайди. Бу — партия, совет, комсомол ташкилотлари, бутун республика жамоатчилиги олиб борган катта ишнинг натижаси бўлди.

Ҳозир мактабни битириб чиққан йигит ва қизлар илм-фан асосларини, табиат ва жамият ривожи қонунларини пухта ва чуқур билиши, олинган билимларни амалда қўллана оладиган бўлиши лозим.

Докладни муҳокама қилишга киришган ўқитувчилар съезднинг делегатлари ҳаётга қадам қўяётган инсонни қандай қилиб яхшироқ тарбиялаш тўғрисида гапирмоқдалар.

Съезд ишида СССР маориф министри М. А. Прокофьев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари Й. Р. Қурбонов, В. Г. Ломоносов, Н. М. Матчонов, М. М. Мусахонов, О. У. Салимов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси аъзолигига кандидат С. У. Султонова, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Р. Ҳ. Абдуллаева, Қ. А. Аҳмедов, Г. А. Габриельянц, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими В. Т. Петров, маориф, олий мактаб ва илмий муассасалар ходимлари касаба союзи марказий комитетининг раиси Т. П. Янушковская қатнашмоқдалар.

Ўзбекистон ўқитувчиларининг IV съезди ўз ишини давом эттирмоқда.

(ЎзТАГ).

ЧЕТ ЭЛЛИК КООПЕРАТОРЛАР ЎЗБЕКИСТОНДА

СССР матлубот кооперацияси вакилларининг IX съезди ишида қатнашган чет эллик кооператорларнинг катта группаси Ўзбекистонда уч кун бўлди. Меҳмонлар орасида Европа, Африка, Латин Америкаси мамлакатларидаги Марказий кооператив ташкилотларининг раҳбарлари бор.

Меҳмонлар Самарқандга сафар қилиб, республиканинг матлубот жамиятларига кадрлар тайёрлаб берувчи кооператив институтида ва техникумида бўлдилар, Самарқанд районидаги қишлоқ магазинларини ҳамда умумий овқатланиш корхоналарини бориб кўрдилар, тарихий ёдгорликларни кўздан кечирдилар.

Тошкентда кооператорлар Ўзбекистон ССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари Виставкасида, Калинин районидаги «Ғунафша» савдо марказида бўлдилар, «Ўзбекбирлашув»да илғор Оржоникидзе район матлубот союзининг ошхоналари ва қишлоқ магазинлари иши билан танишдилар. Шу куни улар Ўзбекистон пойтахтининг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар.

25 ноябрда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Т. Н. Осетров чет эллик кооператорларни қабул қилди.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми халқ маорифини ривожлантириш, ёш авлодни ўқитиш ва коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги кўп йиллик ва самарали меҳнатлари учун республика халқ маорифи ходимларидан катта группасига «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи» фахрий унвони берди.

МХРП III СЪЕЗДИ ВА МОНГОЛИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН КУННИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА

СОЦИАЛИЗМ ЙЎЛИДАН

Бу йил 1,5 минг улан-баторлик оила янги уйларга кўчиб кирди. 1924 йили Монголия Халқ Республикаси эълон қилинганидан сўнг монголлар ўз пойтахтини Улан-Батор — Қизил Ботир деб аташди. Мамлакатнинг асосий шаҳри чиндан ҳам ботирона суръатлар билан ўсмоқда. Сўнгги 20 йил ичида бу ерда аҳоли беш баравар кўпайди. Суратда: Монголия пойтахти — Улан-Батор марказининг кўриниши.

ТАСС фотохроникаси.

Зайсан тоғида юксалиб турган ёдгорлик мамлакат пойтахти Улан-Баторнинг ҳамма еридан кўз га ташланади. Ёдгорлик остонасидаги «Алтан-Булан», «Толба-Нур», «Халхин-Гол» сўзлари ёзилган тош тахталар остида Монголия озодлиги ва мустақиллиги учун жанг қилиб ғалаба қозонган совет ва монгол солдатларининг қони тўкилган ерлардан олиб келинган муқаддас тупроқ сақланмоқда. Суратда: ёдгорлик шоҳсупасига гуллар қўйишяпти.

ТАСС фотохроникаси.

КУРАШ ВА ҒАЛАБА ЙИЛЛАРИ

И. Т. НОВИКОВ,

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИ

Қардош монгол халқи социалистик ҳамдўстликдаги барча меҳнаткашлар билан биргаликда шонли сана — МХРП III съезди ва Монголия Халқ Республикаси деб эълон қилинганлигининг 50 йиллигини нишонламоқда. 1924 йилнинг августида бўлиб ўтган МХРП III съезди партиянинг бош йўли — Монголиянинг капиталистик тараққиёт босқичини четлаб, социализмга ўтиш йўлини ишлаб чиқди. Бу мамлакатнинг алоҳида хусусиятларига ва меҳнаткашларнинг туб манфаатларига мос бўлиб тушувчи тўғри йўл эди. Бу йўлни белгилашда МХРП қолоқ мамлакатларнинг капитализмни четлаб социализмга ўтиши мумкинлиги тўғрисидаги ленинча назариядан келиб чиққан эди.

МХРП III съезднинг тарихий қарори, ўша йил ноябрь ойида Буюк Халқ Хуралининг Монголияни Халқ Республикаси деб эълон қилиши ва у қабул қилган биринчи ҳақиқий демократик конституция МХРнинг сиёсий ва социал-иқтисодий ҳаётида муҳим роль ўйнади. Монгол халқи ярим аср ичида ўз партияси раҳбарлигида ҳуқуқсизлик ва феодал зулмидан қутулиш ва янги ҳаёт қуришда катта ва шонли йўлни босиб ўтди. Монголияда саноат ва қишлоқ хўжалигини илмий асосда қайта қуриш билан бир қаторда маданий революция ҳам амалга оширилди. Халқ ҳокимияти маориф, медицина хизмати учун кетадиган бутун харажатларни ўз зиммасига олди, ишсизликни тугатди, ривожланган капиталистик мамлакатлардан ҳеч бири уддалай олмаган проблемани ҳал этди.

Ўтган 50 йил Совет Иттифоқи ва Монголия Халқ Республикаси халқларининг социалистик интернационализм принципларига асосланган қардошларча дўстлик йиллари бўлди. Илғор кучлар Монголияда халқ ҳукуматини ташкил этганларида РСФСР унинг қонунийлигини тан олиб, 1921 йилнинг ноябрида у билан дўстона алоқалар ўрнатиш тўғрисида битим тузди. Бу битим мамлакатларимиз ўртасидаги қардошларча дўстлик ва ҳамкорликка асос солди. Кейинги пайтларда халқ Монголияси олдида давлатни иқтисодий ривожлантиришнинг мураккаб вазифалари кўндаланг бўлиб турарди. Совет Иттифоқи билан алоқаларнинг ҳар томонлама ривожлантирилиши, МХРП III съезди белгилаб берган янги жамият қуриш программасини бажариш учун муҳим шартлардан бири бўлди. Совет—Монгол аралаш корхоналари барпо этиш, телеграф ва ҳаво алоқаси, радиолаштириш, транспорт ва халқ хўжалигининг бошқа соҳаларини ривожлантириш тўғрисида шартномалар тузилиши, шунингдек, миллий мутахассис кадрлар тайёрлашда ёрдам бериш, маориф ва соғлиқни сақлашнинг биринчи муассасаларини ташкил этиш тўғрисидаги шартномалар социалистик экономика асосларининг шаклланишига ва социал проблемаларни ҳал этишга имкон берди.

Мамлакатларимиз халқларининг дўстлиги умумий душманга қарши жангларда тобланди ва мустаҳкамланди. 1939 йили интернационал бурчига содиқ бўлган Совет Иттифоқи милитаристик Япония томонидан агрессияга дучор бўлган Монголия Халқ Республикасига ёрдамга келди. Совет Иттифоқи бутун кучини фашизмга қарши курашга қаратган Улуғ Ватан уруши йилларида эса МХР меҳнаткашлари совет жангчиларига «Революцион Монголия» танк колоннаси ва «Монгол арати» авиаэскадрильясини совға қилдилар. Совет учувчи ва танкчилари бу жанговар қуроллар билан узоқ жанг йўлини босиб ўтиб, Берлингача бордилар. Бундан ташқари Совет Армиясига юз минглаб от, кўплаб иссиқ кийим-бош, озиқ-овқат ва совға-саломлар етказиб берилди. Монголия меҳнаткашлари немис босқинчиларидан озод қилинган районларни тиклаш учун катта маблағ тўпладилар. Совет кишилари оғир бўлган дамларда кўрсатилган беғараз ёрдамни ҳеч қачон унутмайдилар.

Урушдан кейинги йилларда СССР билан МХР ўртасидаги бузилмас дўстлик янада мустаҳкамланди. Иқтисодий алоқалар кенгайди. Совет—Монгол муносабатларини янада мустаҳкамлашда 1946 йилда СССР билан МХР ўртасида тузилган иқтисодий ва маданий ҳамкорлик тўғрисидаги битим муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу тарихий ҳужжатларнинг асосий принциплари дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида 1966 йилнинг январида тузилган шартномада давом эттирилди. Бу шартнома КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошлиқ СССР партия-ҳукумат делегациясининг Монголия Халқ Республикасига қилган визити чоғида имзоланган эди. Совет—Монгол қардошлик муносабатларининг ривожланишида МХРП Марказий Комитети Биринчи секретари ўртоқ Ю. Цеденбал бошчилигидаги МХР партия-ҳукумат делегациясининг 1970 йил октябрида Совет Иттифоқига қилган визити катта қадам бўлди. Бўлиб ўтган музокараларда 1971—1975 йилларга мўлжалланган ҳамкорликни кенгайтириш билан боғлиқ бўлган муҳим масалалар қараб чиқилди ва қатор битимлар имзоланди.

Монголия Халқ Республикаси социалистик ҳамдўстлик халқлари аҳил оиласининг ажралмас қисмидир. Узаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар ўртасида социалистик иқтисодий интеграция асосида иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, фан-техниканинг энг янги ютуқлари базасида экономикани янада жадалроқ ривожлантириш, айрим мамлакатларнинг иқтисодий даражасини асосий тенглаштириш, меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини ошириш имконини беради. Социалистик иқтисодий интеграциянинг комплекс программаси ва уни амалга ошириш тадбирлари икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш учун янгидан-янги истиқболлар очмоқда. Комплекс программада кўзда тутилган қатор тадбирлар Совет—Монгол иқтисодий муносабатларида ўз ифодасини топмоқда. Хусусан, мамлакатларимизнинг 1976—1980 йилларга мўлжалланган халқ хўжалик планлари координация қилинмоқда, айрим проблемалар бўйича эса янада узоқроқ муддатга мўлжалланган планлар ҳамкорликда ишлаб чиқилмоқда. Ҳар икки мамлакатнинг тегишли министрликлари ва идоралари ўртасида бевосита алоқалар ўрнатилган, корхоналар биргаликда қурилмоқда, мутахассислар тайёрлаш ва қурилган объектларнинг лойиҳа қувватларини ўзлаштиришда ҳамкорлик қилинмоқда.

Кенг миқёсда ва ҳар томонлама ҳамкорлик Совет—Монгол муносабатларининг бутун тарихи давомида тайёрланди ва у КПСС ва МХРП изчиллик билан амал қилиб келаётган социалистик интернационализм принципларига асосланади. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Совет партия-ҳукумат делегациясининг Монголия тантаналарида қатнашиши халқларимиз бузилмас дўстлигининг янги далили бўлади.

Монголия Халқ Республикасининг социализм қуриш ишида қўлга киритган ютуқлари Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатлари учун катта халқаро аҳамиятга эгадир. Яқин пайтларгача мустамлакачилик зулми остида эзилиб келган бу мамлакатлар сиёсий мустақилликни қўлга киритиб, ўтмишнинг иқтисодий қолоқлик, қашшоқлик, саводсизлик сингари бир қатор социал проблемаларига дуч келишди. Бугунги кунда улар олдида қайси йўл билан илғор мамлакатларнинг иқтисодий ва социал тараққиёти даражасига етиб олиш каби муҳим савол турибди. Бундан 50 йил муқаддам Осиё қитъасининг энг қолоқ мамлакатларидан бири бўлган Монголия Халқ Республикаси тажрибаси бу саволга аниқ жавоб беради.

Монголия Халқ Республикаси меҳнаткашлари МХРП XVI съезднинг тарихий қарорларини амалга ошира бориб, Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларнинг қардошларча ёрдамида социализмнинг моддий-техника базасини яратиш вазифасини муваффақиятли ҳал этмоқдалар. Улар олдида бутун инсониятнинг порлоқ келажаги — коммунизм йўли равшан кўринib турибди.

(АПН).

ЮКСАЛИШ РАҚАМЛАРИ

Монголия аҳолисининг сони халқ ҳокимияти йилларида икки бараварга кўпайди ва 1974 йилнинг 1 январига келиб 1377,9 минг кишини ташкил этди. Мамлакатда халха-монгол миллатидан ташқари қозоқлар, дербетлар, буряtлар, туваликлар ва бошқа миллат вакиллари истиқомат қилишади.

* * *

Монголия аҳолисининг ярмини хотин-қизлар ташкил этади. Республиканинг халқ хўжалигида 90 минг хотин-қиз меҳнат қилади. Шулардан 37 проценти саноат корхоналарида ишлайди.

* * *

Монголия Халқ Республикаси миллий кадрларини тайёрлашда Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларнинг ёрдами катта. 15 мингга яқин монголиялик йигит ва қиз СССРдаги олий ва ўрта махсус билим юртларини тугатган. Совет Иттифоқида Монголия учун 300 га яқин фан доктори ва кандидатлари тайёрланди.

* * *

Монголия меҳнаткашларининг турмуш даражаси йил сайин яхшиланиб бормоқда. 1973 йили мамлакатнинг миллий даромади 1960 йилга нисбатан 1,6 баравар ўсди. Беш йиллиқнинг уч йили мобайнида мамлакатда 330 минг квадрат метр уй-жой майдони қурилди.

* * *

Монголия Халқ Республикаси саноати гуркираб ўсмоқда. Бу ерда СССРнинг ёрдами билан ўтган ярим аср ичида 450 саноат, қишлоқ хўжалиги ва маданий-маиший объектлар қурилиб ишга тушириди.

* * *

1973 йили Монголия Халқ Республикаси 140 хилдаги маҳсулотни чет элларга жўнатди. Узаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар Монголия ташқи савдо оборотининг 94,7 процентини ташкил этади.

* * *

Монголия жаҳондаги 67 мамлакат билан дипломатик алоқалар ўрнатган, 60 халқаро ташкилотга аъзо. 1961 йили республика Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзолигига қабул қилинди.

(АПН).

СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА БАЙРОҒИНИ БАЛАНД ҚУТАРАЙЛИК!

ДЎСТЛИК ВА МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

ҲАЁТБАХШ КУЧ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев СССРнинг 50 йиллиги ҳақидаги докладида бундай деди: «Мамлакатимизда қайси миллатга мансублигидан қатъий назар, синфий манфаатлар ва мақсадларнинг муштараклиги билан бирлашган меҳнат аҳлларининг буюк биродарлиги туғилиб мустаҳкамланди, биз ҳақли равишда келқларнинг ленинча дўстлиги деб атаётган, тарихда мисли кўрилмаган муваффақиятлар таркиб топди. Бу дўстлик бизнинг бебаҳо мулкимиздир, социализмнинг ҳар бир совет кишиси дилига жуда азиз бўлган энг катта ғалабаларидан биридир, ўртоқлар. Зотан биз, совет кишилари бу дўстликни ҳамиша кўз қорачиғидек асраймиз».

Коммунистик партия ва унинг ленинчи Марказий Комитети раҳбарлигида совет халқлари орасида камол топган интернационал дўстлик, ўртоқлик ва биродарлик коммунистик жамият қурилишидаги ғалабаларимизнинг муҳим омили бўлмоқда.

Ўзбеклар билан тожиклар қадимдан бир-бирлари билан дўст, ўртоқ, биродар! Бу дўстлик, ўртоқлик, биродарлик Советлар замонамизда янада юксак чўққиларга кўтарилди.

1974 йилда ўзбеклар билан тожиклар орасидаги дўстлик, ўртоқлик ва биродарликни янада мустаҳкамловчи, пахтакорлик номини янада шарафловчи қувончли воқеа юз берди. Бизнинг Ўзбекистон районимиз билан Тожикистон ССРнинг Хўжанд райони ўртасида пахта ва бошқа хил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш юзасидан социалистик мусобақа шартномаси имзоланди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Тожикистон Компартияси Марказий Комитети бу ватанпарварлик ташаббусини маъқуллаб қарор қабул қилдилар. Қарор «Совет Ўзбекистони», «Тожикистони Совети», «Ҳақиқати Ўзбекистон» ва «Совет Тожикистони» газеталарининг саҳифаларида эълон қилинди. Шуни айтиш керакки, ҳар икки республика Компартияси Марказий Комитетларининг қарори тобора камол топаётган дўстлигимизни янада мустаҳкамлашда муҳим омил бўлди.

Бу йил ўзбеклар ҳам, тожиклар ҳам Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси, Тожикистон ССР ва Тожикистон Компартияси ташкил топган кунининг 50 йиллигини муносиб нишонлаш учун умумхалқ мусобақасини кучайтирдилар. Ўзбекистон ва Хўжанд районлари ўртасида имзоланган мусобақа ҳам ана шу умумхалқ мусобақасининг таркибий қисми бўлди. Ҳар икки район меҳнаткашларининг ватанпарварлик ташаббусини қўллаб-қувватлаган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Тожикистон Компартияси Марказий Комитети, шунингдек, мусобақа шартлари ва унинг бажарилишини мунтазам ёритиб борган номлари юқорида тилга олинган газеталарнинг редакцияларига ўзимизнинг самимий миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Биз Хўжанд райони меҳнаткашлари билан социалистик мусобақа ўйнаб, жуда катта муваффақиятларга эришдик. Аввало, юқорида айтиб ўтилганидек, дўстлигимиз янада мустаҳкамланди, қолаверса, бир-биримиздан иш ўрганиб, бой тажрибаларимизни ўртоқлашиб тўқкизинчи беш йилликнинг тўртинчи йили топшириқларини бажаришда мисли кўрилмаган меҳнат ғалабаларига эришдик, айни кезда келгусида пахтачилик ва бошқа тармоқларни тараққий эттиришга мустаҳкам замин яратдик.

Биз фақат пахтачилик бўйичагина эмас, партиявий-ташкилий, оммавий-тарбиявий ишларни намунали йўлга қўйиш, партия ташкилотларининг жанговарлик қобилиятини ошириш, ишлаб чиқаришда коммунистларнинг авангардлик ролини таъминлаш борасида ҳам тажрибаларимизни ўртоқлашдик, КПСС XXIV съезди қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг Тошкентдаги пахтакор республикалар вакилларининг анжуманида сўзлаган нутқида қўйилган вазифаларни тез ва осон бажариш йўллари ҳақида фикрлашиб олдик.

Ошкора ташкил этилган социалистик мусобака ўзининг ижобий самараларини берди. Районимиз пахтакорлари юбилей йилида она-Ватанга пландаги 39 минг 170 тонна ўрнига 50 минг 600 тонна «оқ олтин» етказиб бериб, социалистик мажбуриятларини шараф билан адо этдилар, пахтачилик тарихида биринчи марта шундай улкан ғалабага эришдилар. Бу тожик дўстларимиз билан боғлаган мусобакамизнинг илк самарасидир. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, пахтакорларимиз тўқкизинчи беш йилликнинг тўрт йилида давлатимизга пландагидан 10 минг 400 тонна кўп дурдона армуғон этдилар.

Биз тожик дўстларимиз билан мусобақа шартномасини имзолаётган кезимизда пахтачиликни комплекс механизациялашни бош вазифа деб биламиз, меҳнатнинг оғирини машиналар гарданига ортамиз, деган эдик. Бу борада Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети кўрсатган тўғри йўлдан бориб, қувончли натижаларга эришдик, районимиз бўйича тайёрланган ялпи пахтанинг деярли 25 минг тоннаси машиналар бункеридан тўкилди, барча колхоз ва совхозларимизда машина терими топшириғи бажарилди. Э. Олтмишев, О. Исмоилов, М. Мамаюсупов, А. Хўжаматов, М. Эргашев каби ўнлаб механик-ҳайдовчиларимиз мавсум нормасини бир ярим—икки ҳисса бажариб, машиналар деҳқонларнинг мададкори эканини, узоғини яқин, оғирини енгил қилишини амалда исбот этдилар. Машиналар колхозлар ва совхозлар ишлаб чиқаришида ҳукмрон кучга айланди.

Бугун юқори ҳосилли совхозларимиз ва колхозларимизнинг номини фахр билан тилга оламиз. «Ғаниобод» совхози давлатга 14 ярим минг тонна пахта етказиб берди, «Кўқон» совхози 11 минг 300 тонна, «Комсомол» совхози 9 ярим минг тонна, Ғафур Ғулом номли колхоз 6 минг 600 тонна пахта тайёрлади. Ленин номли, «Пахтақайнар», «Ўзбекистон» колхозлари ялпи тонна жиҳатдан ҳам, сорт жиҳатдан ҳам катта ғалабаларга эришди.

Ғалабага осонликча эришилмаганини айтиб ўтмоқчимиз. Ташвишли кунларда халқимиз қийинчиликлардан асло нолимади, саросимага тушмади, партия ташкилотлари атрофига ҳар қачонгидан ҳам маҳкамроқ жипслашиб, табиий офатларни мардонавор енгди, сув танқислигини бартараф этди.

Район хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантиришда ҳам катта муваффақиятларга эришилди. Ғалла етиштириш бир йилда 9,1 марта кўпайтирилди, пилла тайёрлаш плани 107,9 процент адо этилиб, давлатга 465 тонна «кумуш тола» тортиқ қилинди. Чорвадорларимиз 4.470 тоннадан зиёд сут, 923 тонна гўшт етказиб бердилар. Сабзавоткорларимиз 12 минг тонна, полизчиларимиз 1562 тонна маҳсулот тайёрладилар. Боғбонларимиз 4400 тонна узум, салкам минг тонна мева тайёрлаб, севимли касбларини шарафладилар.

Ҳақиқатда қилган ишимиздан кўра, қиладиган ишларимиз кўп. Район партия ташкилотлари ҳамма имкониятларни йиғиб-теримни тезкорлик билан тугаллаш, қолган ҳосилни охирги граммигача йиғиштириб олиш, куза шудгорни сифатли ўтказиш билан келгуси йил мўл ҳосилига замин яратишга қаратмоқда, чорва қишловини намунали ўтказишни бош вазифа қилиб қўйди. Халқимиз партия ташкилотлари раҳбарлигида бу муҳим вазифаларни ҳам шараф билан уддалайдилар.

Келинг дўстлар, тўқкизинчи беш йилликнинг якунловчи босқичи — 1975 йилда ҳам анъанавий социалистик мусобақани кучайтириб, янги меҳнат зафарларига эришайлик!

А. ПАЙҒАМОВ,
Фарғона область Ўзбекистон район партия комитетининг биринчи секретари, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати.

Ўзбекистон ССРнинг Ўзбекистон райони билан Тожикистон ССРнинг Хўжанд райони пахтакорлари ўзаро социалистик мусобақа боғлаб, 1974 йилда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил етиштиришга азму қарор қилдилар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Тожикистон Компартияси Марказий Комитети маъқуллаган бу интернационал ватанпарварлик ташаббус «Совет Ўзбекистони», «Тожикистони Совети», «Ҳақиқати Ўзбекистон» ва «Совет Тожикистони» газеталарида эълон қилинди.

Яқинда Хўжанд районида мусобақадошларнинг учрашуви бўлиб, юбилей йилидаги ишларга якун ясалди, тўқкизинчи беш йилликнинг якунловчи босқичи — 1975 йилда социалистик мусобақани қизғин давом эттиришга қарор қилинди. Учрашувда юқорида номи тилга олинган газета редакциялари ходимларидан ташқари Тошкент телевидениеси ва радиоси ходимлари ҳам иштирок этди.

Қуйида шу учрашув ҳақидаги материалларни эътиборингизга ҳавола этамиз.

Суратларда: 1. Тожикистон ССР Хўжанд райони пахтакорлари мусобақадош Ўзбекистон ССРнинг Ўзбекистон райони пахтакорларини нон ва туз билан самимий қарши олаётган пайт. 2. Ўзбекистон ва Хўжанд райони вакиллари бу йилги социалистик мусобақа шартларининг қандай бажарилганлиги тўғрисидаги рапортни бир-бирларига тақдим қилаётирлар.

Р. ХОЛМАТОВ фотолари.

ЮТУҚЛАР САРЧАШМАСИ

Ҳурматли мусобақадош дўстлар! Қўлимиз кўксимизда. «Хуш омадед!, «Хуш келибсиз, Камол Хўжандий Ватанига!» Тожиклар билан ўзбеклар бугунги хаяжонли дақиқаларда ажойиб, қувончли воқеаларнинг, меҳнат зафарларининг гувохи бўлиб турибдилар.

Бизнинг республикамиз меҳнаткашлари ҳам деҳқончилик тарихида биринчи марта она-Ватан хирмонига 870 минг тоннадан зиёд пахта етказиб бериб, социалистик мажбуриятини ошириб бажарди. Биз Тожикистон ССР ва Тожикистон Компартиясининг ярим асрлик олтин тўйини катта армуғонлар ҳозирлаш билан кутиб олаётирмиз.

В. И. Ленин ва Коммунистик партия ҳур совет халқларининг қудратли иттифоқини вужудга келтирдилар ва пўлатдек тобладилар. Шу дўстлик, монолит бирлик туфайли республикамиз индустрияси, кўп тармоқли қишлоқ хўжалиги, илғор фан ва маданияти бениҳоя юксалди ва юксалаётир.

Узбеклар билан тожиклар тарихнинг чуқур ва узоқ қатламларида қўшниордек қадимдан илдиз отишган. Уларни бир-биридан ажратиш мумкин эмас. Улар бир-бирларига шу қадар яқин ва қадрдон бўлиб кетганки, урф-одатида ҳам, маданиятида ҳам, тили ва дилида ҳам яхлит бир бирлик ҳамда яқинлик мавжуд. Шунинг учун ҳам уларнинг ўзбек ёки тожиклигини ташқи кўринишдан билиш қийин. Ҳурматли шоиримиз Ғафур Ғулом айтгандек: «Онаси аз Бадаҳшон, отаси Фарғонадан». Оилаларимизнинг кўпчилиги шундай бўлиб кетишган. Советлар чаманида бу дўстлик янада юқори поғоналарга кўтарилди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг қўриқ ерлар ўзлаштирила бошланганлигининг 20 йиллигига бағишланиб Олмаотада ўтказилган тантанали мажлисда сўзлаган нутқида баён этилган улуғвор вазифаларни, 1974 йил мажбуриятларини бажариш учун республикамизнинг Хўжанд райони билан Ўзбекистон ССРнинг Ўзбекистон райони ўртасида пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришни янада кўпайтириш мақсадида шу йилнинг эрта кўкламида мусобақа шартлари имзоланган эди. Бу ташаббус ҳар иккала республика Марказий Комитетлари томонидан маъқулланди. Узбек ва тожиклар диёрида республика газеталарида эълон қилинди. Мусобақа шартларининг қандай бажарилаётганлиги матбуотда мунтазам ёритилди. Бу эса умумий ишимизга жуда катта наф келтирди.

Дўст—дўстнинг ойнаси дейдя халқимиз. Қардошларимизнинг қимматли фикрлари мисолида шу ойнада ўз камчилик ва нуқсонларимизни очиқ-ойдин кўрдик ва уни бартараф этиш чораларини белгилаб, ишни яхши ташкил этдик.

Пахтакорларимиз КПСС XXIV съезди ва Тожикистон Компартиясининг XVII съезди қарорларини ҳаётга татбиқ эта бориб, барча куч ва воситаларни ишга солдилар. Натижада барча майдонларда пахтадан кутилгандан кўп ҳосил етиштирдилар.

Социалистик мусобақа — муваффақиятларимиз гарови, ҳаётбахш куч бўлди бизга. Юбилей йилида мамлакатимиз «оқ олтин» хирмонига пландаги 40 минг тонна ўрнига 43 минг тонна пахта етказиб берилди, социалистик мажбурият ошириб адо этилди. Тўқкизинчи беш йилликнинг тўрт йилида районимиз бўйича давлатга пландагидан ташқари 10 минг тоннадан кўпроқ дур сотилди.

Пахтачиликни комплекс механизациялашютуқлар омили. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев ва Коммунистик партия ҳар доим шунга даъват этмоқда. Биз бунга амалий ишларимиз билан жавоб бердик ва бераётирмиз. Тожикистон Компартияси Марказий Комитети раҳбарлигида район бўйича етиштирилган ҳосилнинг 19 минг 471 тоннаси машиналар бункеридан тўкилди. Пўлат этаклардан тўкилган пахта планда белгиланганидан 2,5 минг тонна кўпдир. Энг илғор механизаторларимиздан С. Ҳамдамов, Т. Неъматов, А. Пўлодов, Ҳ. Бобоева, Д. Нурматова сингари ўнлаб йигит ва қизлар мавсумда 250—400 тоннадан ошириб пахта теришди. Деҳқонларимиз парвозига қанот бўлишди.

Кўплаб колхоз ва совхозларимиз беш йилликда белгиланган халқ хўжалик планларини муддатидан илгари ошириб бажардилар. «Октябрь 40 йиллиги» хўжалиги пландан ташқари 1478 тонна, Ленин номли колхоз 1440 тонна, Куйбишев номли хўжалик 1013 тонна, «Роҳи Ленин» колхози 447 тонна кўп пахта сотдилар. Шунингдек, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Саидхўжа Уринхўжаев номли, «Коммунизм», Фрунзе номли колхозлар ялпи пахта ҳосили жиҳатидан ҳам, сорт жиҳатидан ҳам катта ғалабаларга эришди.

Деҳқонларимиз қийинчиликларни мардонавор енгиб меҳнат қилдилар. Бундай пайтларда қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди. Бизнинг норимиз — ўзбек биродарларимиз ва бошқа қардошларимиздир. Улар дарҳол ёрдам қўлларини чўзишди. Район хўжаликларида янги насос станциялари барпо қилинди. Бир ой давомида 44 та артезиан қудуқлари ишга туширилди. Районимиз территориясидаги Хўжабақирғон, Самғор насос станцияларининг қуввати ошириди.

Қардошларимиз ҳам сувга танқислик сезганларида биз Қайроққум дўстлик ГЭСи ҳавзасидаги Сирдарё сувини Ўзбекистон далаларига оқиздик. Экинлар сувга қонди. Бундан ташқари ўзбек саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган машиналар, асбоб-ускуналар бизга қўл келди ва келмоқда. Тошкентдаги «Хлопкомаш», Андижондаги «Коммунар» заводлари, Боку, Тюмень шаҳарларидаги бир қатор корхоналар бизга юқори унум билан ишлайдиган қишлоқ хўжалик машиналари, қуритиш барабанлари, лаборатория асбоб-ускуналари, ўғитлар етказиб бермоқдалар.

Республикамизнинг олтин юбилейи йилида колхоз ва совхозларнинг ҳамма тармоқларини комплекс ривожлантиришда ҳам яхши натижалар қўлга киритилди. Давлатга 6350 тоннадан зиёдроқ сут, 3700 тонна гўшт сотилди. 11,5 миллион дона тухум, 295 тонна жун, минг дона қоракўл тери етказиб берилди. Пилла тайёрлаш плани ошириб бажарилди. Мамлакатга 402 тонна пилла етказиб берилди. Тайёрлов пунктларига 18.400 тонна узум, 13400 тонна сабзавот, 1200 тонна қовун-тарвуз топширилди.

КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоқлари — пахтачилик, чорвачилик, дончилик, боғдорчиликни янада ривожлантириш, тўқкизинчи беш йилликнинг охирги йили топшириқларни муваффақиятли бажариш ва партиямизнинг XXV съезди шарафига социалистик мусобақани янада ривожлантиришга даъват этмоқда.

Ҳурматли мусобақадош дўстларнинг тўқкизинчи беш йилликнинг якунловчи босқичи — 1975 йилда ҳам анъанавий социалистик мусобақани давом эттириш тўғрисидаги таклифларига бажонидил қўшиламиз.

И. УМАРОВ,
Тожикистон ССР Ленинобод область Хўжанд район партия комитетининг биринчи секретари.

ҚУШЧИНОР ҚУШИҒИ

Яна илҳом оташида ёниб, ҳисларинг Сир каби жўшади, дўстлик қушиғини куйлагинг келади, қаламинг учқунлайди бундай дақиқаларда.

Тиёншону Помир—Олой тизма тоғларидан ўзига ҳаёт, куч ва қудрат олган Сирдарё улуғ Ленин ва Коммунистик партия асос солиб бирлаштирган 15 буюк ойланинг бир парчаси — ўзбек ва тожик халқининг мулкига айланган. У ҳар икки халқ қўлида кучга тўлиб чайқалади.

Дўстлик — чегара билмайди сира. Ўзбек ва тожик қадимдан бир ёнқўқнинг мағзи. Қушчинорнинг илдизларидай бир-бирига туташиб кетган. Уни ҳеч қандай куч ажратолмаган, ажратолмайди ҳам. Улар шу дарёдан сув ичган, икки қирғоғида яшаб, ерга ризқи-рўз, дўстлик уруғини сочганлар. Лозим бўлганда Ватанни кўз қорачиғидай сақлаш учун оёққа турганлар. Ут-олов, дарё кечганлар. Қонхўр жаллодлар Искандару-Доро, Кутайба-ю Чингизларга қарши курашда Широқу Спитаман, Тўмарису Темур Малик тимсолида намоён бўлганлар.

Советлар Иттифоқида бу дўстлик янада чуқур илдиз отди, кучга тўлди ва мева берди.

Сир бўйи — нур бўйи, «оқ олтин» водийси, ширин-шарбат мевали боғлар водийси. Улуғ Ватан уруши йилларида буюк Алишер Навоий билан Абдурахмон Жомийларнинг орзулари амалга ошди. Узбек ва тожик фарҳодлари Сирни боғлаб Фарҳод нурхонасини барпо этдилар. Шу дўстлик Қайроққум ГЭСи ва Халқлар дўстлиги денгизларини қурдилар. Бугунги кунда Сирдарё ГРЭСи нур булоғини бунёд этмоқдалар. Бу нурхоналардан Ўзбекистон ҳам, Тожикистон ҳам баҳраманд бўлмоқда. Гигант корхоналар ҳаракатга келмоқда. Сир бўйи дўстлик сарчашмаси ҳамдир. Ўзбекистон инъом этган 50,5 минг гектарли тожик Мирзачўлида ҳам, Фарғона боғларида ҳам дўстлик нафаси гуркираяпти.

Дўстлик қалби қуёшдан иссиқ, қудрати офтобнинг нуридан кучли. Буни қирқ йилдан ошиқроқ вақтдан бери давом этиб келаётган ўзбек—тожик деҳқонлари ўртасида бошланган социалистик мусобақанинг ҳаётбахш кучи ва меваларида кўрамиз.

Шу йилнинг баҳорида ўзбеклар билан тожиклар ўртасидаги дўстлик, ўртоқлик ва биродарликни янада мустаҳкамловчи, пахтакорлик номини шарафловчи қувончли воқеа юз берди. Фарғона областининг Ўзбекистон райони билан Ленинобод областининг Хўжанд райони ўртасида пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш юзасидан социалистик мусобақа шартлари имзоланди. Ўзбекистон ва Тожикистон Компартиялари Марказий Комитетлари бу ватанпарварлик ташаббусини қўллаб-қувватлаган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Тожикистон Компартияси Марказий Комитети, мусобақа шартлари ва унинг бажарилишини мунтазам ёритиб борган номлари юқорида тилга олинган газеталарнинг редакцияларига ўзимизнинг самимий миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Биз Хўжанд райони меҳнаткашлари билан социалистик мусобақа ўйнаб, жуда катта муваффақиятларга эришдик. Аввало, юқорида айтиб ўтилганидек, дўстлигимиз янада мустаҳкамланди, қолаверса, бир-биримиздан иш ўрганиб, бой тажрибаларимизни ўртоқлашиб тўқкизинчи беш йилликнинг тўртинчи йили топшириқларини бажаришда мисли кўрилмаган меҳнат ғалабаларига эришдик, айни кезда келгусида пахтачилик ва бошқа тармоқларни тараққий эттиришга мустаҳкам замин яратдик.

Биз фақат пахтачилик бўйичагина эмас, партиявий-ташкилий, оммавий-тарбиявий ишларни намунали йўлга қўйиш, партия ташкилотларининг жанговарлик қобилиятини ошириш, ишлаб чиқаришда коммунистларнинг авангардлик ролини таъминлаш борасида ҳам тажрибаларимизни ўртоқлашдик, КПСС XXIV съезди қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг Тошкентдаги пахтакор республикалар вакилларининг анжуманида сўзлаган нутқида қўйилган вазифаларни тез ва осон бажариш йўллари ҳақида фикрлашиб олдик.

Ошкора ташкил этилган социалистик мусобака ўзининг ижобий самараларини берди. Районимиз пахтакорлари юбилей йилида она-Ватанга пландаги 39 минг 170 тонна ўрнига 50 минг 600 тонна «оқ олтин» етказиб бериб, социалистик мажбуриятларини шараф билан адо этдилар, пахтачилик тарихида биринчи марта шундай улкан ғалабага эришдилар. Бу тожик дўстларимиз билан боғлаган мусобакамизнинг илк самарасидир. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, пахтакорларимиз тўқкизинчи беш йилликнинг тўрт йилида давлатимизга пландагидан 10 минг 400 тонна кўп дурдона армуғон этдилар.

Биз тожик дўстларимиз билан мусобақа шартномасини имзолаётган кезимизда пахтачиликни комплекс механизациялашни бош вазифа деб биламиз, меҳнатнинг оғирини машиналар гарданига ортамиз, деган эдик. Бу борада Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети кўрсатган тўғри йўлдан бориб, қувончли натижаларга эришдик, районимиз бўйича тайёрланган ялпи пахтанинг деярли 25 минг тоннаси машиналар бункеридан тўкилди, барча колхоз ва совхозларимизда машина терими топшириғи бажарилди. Э. Олтмишев, О. Исмоилов, М. Мамаюсупов, А. Хўжаматов, М. Эргашев каби ўнлаб механик-ҳайдовчиларимиз мавсум нормасини бир ярим—икки ҳисса бажариб, машиналар деҳқонларнинг мададкори эканини, узоғини яқин, оғирини енгил қилишини амалда исбот этдилар. Машиналар колхозлар ва совхозлар ишлаб чиқаришда ҳукмрон кучга айланди.

Бугун юқори ҳосилли совхозларимиз ва колхозларимизнинг номини фахр билан тилга оламиз. «Ғаниобод» совхози давлатга 14 ярим минг тонна пахта етказиб берди, «Кўқон» совхози 11 минг 300 тонна, «Комсомол» совхози 9 ярим минг тонна, Ғафур Ғулом номли колхоз 6 минг 600 тонна пахта тайёрлади. Ленин номли, «Пахтақайнар», «Ўзбекистон» колхозлари ялпи тонна жиҳатдан ҳам, сорт жиҳатдан ҳам катта ғалабаларга эришди.

Ғалабага осонликча эришилмаганини айтиб ўтмоқчимиз. Ташвишли кунларда халқимиз қийинчиликлардан асло нолимади, саросимага тушмади, партия ташкилотлари атрофига ҳар қачонгидан ҳам маҳкамроқ жипслашиб, табиий офатларни мардонавор енгди, сув танқислигини бартараф этди.

Район хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантиришда ҳам катта муваффақиятларга эришилди. Ғалла етиштириш бир йилда 9,1 марта кўпайтирилди, пилла тайёрлаш плани 107,9 процент адо этилиб, давлатга 465 тонна «кумуш тола» тортиқ қилинди. Чорвадорларимиз 4.470 тоннадан зиёд сут, 923 тонна гўшт етказиб бердилар. Сабзавоткорларимиз 12 минг тонна, полизчиларимиз 1562 тонна маҳсулот тайёрладилар. Боғбонларимиз 4400 тонна узум, салкам минг тонна мева тайёрлаб, севимли касбларини шарафладилар.

Ҳақиқатда қилган ишимиздан кўра, қиладиган ишларимиз кўп. Район партия ташкилотлари ҳамма имкониятларни йиғиб-теримни тезкорлик билан тугаллаш, қолган ҳосилни охирги граммигача йиғиштириб олиш, куза шудгорни сифатли ўтказиш билан келгуси йил мўл ҳосилига замин яратишга қаратмоқда, чорва қишловини намунали ўтказишни бош вазифа қилиб қўйди. Халқимиз партия ташкилотлари раҳбарлигида бу муҳим вазифаларни ҳам шараф билан уддалайдилар.

Келинг дўстлар, тўқкизинчи беш йилликнинг якунловчи босқичи — 1975 йилда ҳам анъанавий социалистик мусобақани кучайтириб, янги меҳнат зафарларига эришайлик!

А. ПАЙҒАМОВ,
Фарғона область Ўзбекистон район партия комитетининг биринчи секретари, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати.

Ўзбекистон ССР Хўжанд райони пахтакорлари мусобақадош Ўзбекистон ССРнинг Ўзбекистон райони пахтакорларини нон ва туз билан самимий қарши олаётган пайт. 2. Ўзбекистон ва Хўжанд райони вакиллари бу йилги социалистик мусобақа шартларининг қандай бажарилганлиги тўғрисидаги рапортни бир-бирларига тақдим қилаётирлар.

Р. ХОЛМАТОВ фотолари.

Фарғона боғларида ҳам дўстлик нафаси гуркираяпти.

Дўстлик қалби қуёшдан иссиқ, қудрати офтобнинг нуридан кучли. Буни қирқ йилдан ошиқроқ вақтдан бери давом этиб келаётган ўзбек—тожик деҳқонлари ўртасида бошланган социалистик мусобақанинг ҳаётбахш кучи ва меваларида кўрамиз.

Шу йилнинг баҳорида ўзбеклар билан тожиклар ўртасидаги дўстлик, ўртоқлик ва биродарликни янада мустаҳкамловчи, пахтакорлик номини шарафловчи қувончли воқеа юз берди. Фарғона областининг Ўзбекистон райони билан Ленинобод областининг Хўжанд райони ўртасида пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш юзасидан социалистик мусобақа шартлари имзоланди. Ўзбекистон ва Тожикистон Компартиялари Марказий Комитетлари бу ватанпарварлик ташаббусини қўллаб-қувватлаган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Тожикистон Компартияси Марказий Комитети, шунингдек, мусобақа шартлари ва унинг бажарилишини мунтазам ёритиб борган номлари юқорида тилга олинган газеталарнинг редакцияларига ўзимизнинг самимий миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Биз Хўжанд райони меҳнаткашлари билан социалистик мусобақа ўйнаб, жуда катта муваффақиятларга эришдик. Аввало, юқорида айтиб ўтилганидек, дўстлигимиз янада мустаҳкамланди, қолаверса, бир-биримиздан иш ўрганиб, бой тажрибаларимизни ўртоқлашиб тўқкизинчи беш йилликнинг тўртинчи йили топшириқларини бажаришда мисли кўрилмаган меҳнат ғалабаларига эришдик, айни кезда келгусида пахтачилик ва бошқа тармоқларни тараққий эттиришга мустаҳкам замин яратдик.

Биз фақат пахтачилик бўйичагина эмас, партиявий-ташкилий, оммавий-тарбиявий ишларни намунали йўлга қўйиш, партия ташкилотларининг жанговарлик қобилиятини ошириш, ишлаб чиқаришда коммунистларнинг авангардлик ролини таъминлаш борасида ҳам тажрибаларимизни ўртоқлашдик, КПСС XXIV съезди қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг Тошкентдаги пахтакор республикалар вакилларининг анжуманида сўзлаган нутқида қўйилган вазифаларни тез ва осон бажариш йўллари ҳақида фикрлашиб олдик.

Ошкора ташкил этилган социалистик мусобака ўзининг ижобий самараларини берди. Районимиз пахтакорлари юбилей йилида она-Ватанга пландаги 39 минг 170 тонна ўрнига 50 минг 600 тонна «оқ олтин» етказиб бериб, социалистик мажбуриятларини шараф билан адо этдилар, пахтачилик тарихида биринчи марта шундай улкан ғалабага эришдилар. Бу тожик дўстларимиз билан боғлаган мусобакамизнинг илк самарасидир. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, пахтакорларимиз тўқкизинчи беш йилликнинг тўрт йилида давлатимизга пландагидан 10 минг 400 тонна кўп дурдона армуғон этдилар.

Биз тожик дўстларимиз билан мусобақа шартномасини имзолаётган кезимизда пахтачиликни комплекс механизациялашни бош вазифа деб биламиз, меҳнатнинг оғирини машиналар гарданига ортамиз, деган эдик. Бу борада Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети кўрсатган тўғри йўлдан бориб, қувончли натижаларга эришдик, районимиз бўйича тайёрланган ялпи пахтанинг деярли 25 минг тоннаси машиналар бункеридан тўкилди, барча колхоз ва совхозларимизда машина терими топшириғи бажарилди. Э. Олтмишев, О. Исмоилов, М. Мамаюсупов, А. Хўжаматов, М. Эргашев каби ўнлаб механик-ҳайдовчиларимиз мавсум нормасини бир ярим—икки ҳисса бажариб, машиналар деҳқонларнинг мададкори эканини, узоғини яқин, оғирини енгил қилишини амалда исбот этдилар. Машиналар колхозлар ва совхозлар ишлаб чиқаришда ҳукмрон кучга айланди.

Бугун юқори ҳосилли совхозларимиз ва колхозларимизнинг номини фахр билан тилга оламиз. «Ғаниобод» совхози давлатга 14 ярим минг тонна пахта етказиб берди, «Кўқон» совхози 11 минг 300 тонна, «Комсомол» совхози 9 ярим минг тонна, Ғафур Ғулом номли колхоз 6 минг 600 тонна пахта тайёрлади. Ленин номли, «Пахтақайнар», «Ўзбекистон» колхозлари ялпи тонна жиҳатдан ҳам, сорт жиҳатдан ҳам катта ғалабаларга эришди.

Ғалабага осонликча эришилмаганини айтиб ўтмоқчимиз. Ташвишли кунларда халқимиз қийинчиликлардан асло нолимади, саросимага тушмади, партия ташкилотлари атрофига ҳар қачонгидан ҳам маҳкамроқ жипслашиб, табиий офатларни мардонавор енгди, сув танқислигини бартараф этди.

Район хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантиришда ҳам катта муваффақиятларга эришилди. Ғалла етиштириш бир йилда 9,1 марта кўпайтирилди, пилла тайёрлаш плани 107,9 процент адо этилиб, давлатга 465 тонна «кумуш тола» тортиқ қилинди. Чорвадорларимиз 4.470 тоннадан зиёд сут, 923 тонна гўшт етказиб бердилар. Сабзавоткорларимиз 12 минг тонна, полизчиларимиз 1562 тонна маҳсулот тайёрладилар. Боғбонларимиз 4400 тонна узум, салкам минг тонна мева тайёрлаб, севимли касбларини шарафладилар.

Ҳақиқатда қилган ишимиздан кўра, қиладиган ишларимиз кўп. Район партия ташкилотлари ҳамма имкониятларни йиғиб-теримни тезкорлик билан тугаллаш, қолган ҳосилни охирги граммигача йиғиштириб олиш, куза шудгорни сифатли ўтказиш билан келгуси йил мўл ҳосилига замин яратишга қаратмоқда, чорва қишловини намунали ўтказишни бош вазифа қилиб қўйди. Халқимиз партия ташкилотлари раҳбарлигида бу муҳим вазифаларни ҳам шараф билан уддалайдилар.

Келинг дўстлар, тўқкизинчи беш йилликнинг якунловчи босқичи — 1975 йилда ҳам анъанавий социалистик мусобақани кучайтириб, янги меҳнат зафарларига эришайлик!

А. ПАЙҒАМОВ,
Фарғона область Ўзбекистон район партия комитетининг биринчи секретари, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати.

Ўзбекистон ССР Хўжанд райони пахтакорлари мусобақадош Ўзбекистон ССРнинг Ўзбекистон райони пахтакорларини нон ва туз билан самимий қарши олаётган пайт. 2. Ўзбекистон ва Хўжанд райони вакиллари бу йилги социалистик мусобақа шартларининг қандай бажарилганлиги тўғрисидаги рапортни бир-бирларига тақдим қилаётирлар.

Р. ХОЛМАТОВ фотолари.

Фарғона боғларида ҳам дўстлик нафаси гуркираяпти.

Дўстлик қалби қуёшдан иссиқ, қудрати офтобнинг нуридан кучли. Буни қирқ йилдан ошиқроқ вақтдан бери давом этиб келаётган ўзбек—тожик деҳқонлари ўртасида бошланган социалистик мусобақанинг ҳаётбахш кучи ва меваларида кўрамиз.

Шу йилнинг баҳорида ўзбеклар билан тожиклар ўртасидаги дўстлик, ўртоқлик ва биродарликни янада мустаҳкамловчи, пахтакорлик номини шарафловчи қувончли воқеа юз берди. Фарғона областининг Ўзбекистон райони билан Ленинобод областининг Хўжанд райони ўртасида пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш юзасидан социалистик мусобақа шартлари имзоланди. Ўзбекистон ва Тожикистон Компартиялари Марказий Комитетлари бу ватанпарварлик ташаббусини қўллаб-қувватлаган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Тожикистон Компартияси Марказий Комитети, шунингдек, мусобақа шартлари ва унинг бажарилишини мунтазам ёритиб борган номлари юқорида тилга олинган газеталарнинг редакцияларига ўзимизнинг самимий миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Биз Хўжанд райони меҳнаткашлари билан социалистик мусобақа ўйнаб, жуда катта муваффақиятларга эришдик. Аввало, юқорида айтиб ўтилганидек, дўстлигимиз янада мустаҳкамланди, қолаверса, бир-биримиздан иш ўрганиб, бой тажрибаларимизни ўртоқлашиб т